Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP — TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 1-oktyabr, payshanba, **40 (620)-son** | e-mail: **xxi_asr@umail.uz,** web sayt: **www.21asr.uz**

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

**Қадрли устоз ва мураббийлар!**

**Авваламбор, сиз, азизларни умумхалқ байрами – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.**

Бу дунёда ҳар қайси онгли инсон – қаерда ишламасин, қандай касбу кор, лавозим эгаси бўлмасин, унга билим ва тарбия бериб, ҳаётга йўллаган муҳтарам ўқитувчи ва мураббийлари олдида ҳамиша қарздорлик ҳисси билан яшайди.

Ҳақиқатан ҳам, ўзининг кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини бағишлаб, барчамизга эзгуликдан сабоқ берган, отадек мўътабар, онадек меҳрибон сиз, азиз устозларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган машаққатли ва шарафли меҳнатингиз учун ҳар қанча таҳсин ва ташаккурлар айтсак, арзийди.

**Муҳтарам ўқитувчи ва муаллимлар!**

Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, тарихан қисқа даврда, халқимизнинг фидокорона меҳнати ва матонати билан дунё миқёсида «ўзбек модели» деб тан олинган, ўзимизга хос, ўзимизга мос тараққиёт йўлини амалга оширганимиз ҳисобидан бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати тобора юксалиб бораётгани барчамизга мамнунлик бағишлаб, яқин ва узоқ қўшниларимизнинг ҳавасини тортмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бундай барқарор суръатлар билан ривожланишга эришиш учун биз қандай оғир йўлни босиб, турли синов ва қийинчиликларни, ғов ва тўсиқларни енгиб ўтганимиз, бугунги юксак марраларни қўлга киритишда ҳал қилувчи роль ўйнаган омил ва мезонлар ҳақида албатта кўп гапириш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, авваламбор, амалда ўзини оқламаган эски мустабид тузумнинг қолип ва ақидаларидан бутунлай холи бўлган, тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан ҳамқадам бўлиб, янгича, мустақил фикрлайдиган, тараққий топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр, изланиш ва доимо изланиш, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган янги авлодни тарбиялаш бўйича қандай улкан вазифаларни адо этганимизни яна бир бор эслашимиз ўринли, деб ўйлайман.

Ўз-ўзидан аёнки, биз мустақил ҳаётга қадам қўйиб, энг ривожланган мамлакатлар қаторига киришни, юртимизда демократик давлат, обод ва фаровон жамият қуришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунинг учун аввало айни шундай буюк ишга қодир бўлган янги авлодни вояга етказмасдан туриб, бу йўлдаги барча-барча ҳаракатларимиз пучга чиқиши муқаррар эди.

Бундан 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004 йилда тасдиқланган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури, шу соҳада амалга оширган бошқа кенг кўламли ишларимиз нафақат таълим-тарбия тизимини, балки бутун жамиятимиз ҳаётини кескин ўзгартириб юборгани, ижобий маънодаги «портлаш эффекти»ни берганига бугун яққол гувоҳ бўлмоқдамиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу борада сизларга бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган бу дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишда, уларни янада чуқурлаштиришда, ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган янги таълим стандартлари ва дастурларини, дарслик ва методик қўлланмаларни яратишда, энг муҳими, болаларимизга замонавий таълим ва тарбия бериб, уларнинг қалбига, юрагига етиб боришда сиз, ҳурматли устоз-мураббийларнинг хизматларингиз нақадар беқиёс бўлганини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди. Келажагимизни ҳал қиладиган ана шундай оламшумул ишга қўшган буюк ҳиссангиз учун ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва маслакдошларим бўлган сиз, азизлардан умрбод миннатдорман ва барчангизга чин қалбимдан таъзим қиламан.

**Ҳурматли дўстлар!**

Бугунги кунда миллионлаб болаларимиз янгитдан барпо этилган ва реконструкция қилинган 10 мингга яқин мактабларда, 1 минг 556 та лицей ва коллежда, 70 дан зиёд олий ўқув юртларида янги таълим тизими асосида билим ва тарбия олиб, замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиб ҳаётда ўз муносиб ўрнини топмоқда, мамлакатимиз таълим моделининг самараси ва рақобатдошлигини халқаро майдонларда яққол намоён этмоқда.

Униб-ўсиб келаётган ўғил-қизларимиз юртимизда яратилган ноёб имкониятлардан баҳраманд бўлиб, илм-фан чўққиларини, хорижий тилларни, замон талаб қилаётган касб-ҳунарларни пухта эгаллаб, она Ватанимизга садоқатли, муносиб фарзандлар, унинг ишонган посбонлари, ҳимоячилари, биз бошлаган ишларимизнинг давомчиси бўлиб вояга етаётганини кўриш, уларнинг қувончига шерик бўлиш биз, ота-оналар, устозлар учун энг катта бахт эмасми?

**Қадрли юртдошлар!**

Бугун биз бошимиздан кечираётган XXI аср, шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув жараёнлари, интеллектуал салоҳият, Интернет ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани, жаҳон бозоридаги рақобат кўлами ва кескинлиги тобора шафқатсиз тус олаётгани ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ олдига ғоят муҳим ва ўткир талабларни қўймоқда. Бугун ҳаммамизга аён, ана шундай талабларни ҳисобга олиб, улар билан ҳамоҳанг бўлиб яшамасак, бутун борлиғимизни шу йўлда сафарбар этмасак, ҳеч шубҳасиз, биз умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетишимиз муқаррар.

Ҳозирги кунда замоннинг ўзи биздан эришган ютуқлар билан кифояланмасдан, янада юксак марралар сари қатъият билан боришни, шу йўлда ўз билим ва тажрибамизни, касб малакамиз ва маҳоратимизни муттасил бойитиб, такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Шу маънода, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини мунтазам равишда замон талаблари даражасига кўтариб бориш, педагогика университети ва институтларидаги ўқув жараёнларини танқидий баҳолаб, уларни юксак мезонлар асосида ташкил этиш, соҳага илғор таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш, бир сўз билан айтганда, педагог кадрларнинг янги авлодини шакллантириш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Нега деганда, ўз ишидан қониқмасдан, доимо янгиликка интилиб, билим ва малакасини ошириш устида ишлайдиган, ҳаёт билан ҳамқадам бўлиб яшайдиган ўқитувчи ва муаллимларгина ҳар томонлама етук инсонларни камол топтиришга қодир бўлади.

Шу билан бирга, биз учун янги тизим бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг фаолиятини ташкилий-амалий, ўқув-методик жиҳатдан такомиллаштириш, шу мақсадда мавжуд ихтисослик йўналишларини қайта кўриб чиқиш, айнан мана шундай коллежларда таълим олаётган болаларимиз юртимизда барпо этилаётган, юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналарда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида самарали меҳнат қилиб, жамиятимизда ўз ўрнини топиши учун **нафақат таълим соҳаси раҳбарлари, балки барчамиз масъул эканимизни унутмаслигимиз зарур.**

Биз ўз олдимизга ана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўйган эканмиз, ўз-ўзидан равшанки, уларни муваффақиятли амалга ошириш, биринчи навбатда олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар таркибига, уларнинг илмий ва педагогик салоҳиятига боғлиқ.

2



# Улуғ касб эгалари шарафланди

## «Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди

«Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила». Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ушбу сатрларида инсон камолоти йўлида ранж чекувчи устозлар олдида ҳар биримиз доимо қарздор эканимиз таъкидланган. Ҳа, ўз билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини маърифат йўлига бахшида этган инсонлар ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб.

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса қўшаётган фидойи устозлар давлатимизнинг доимий эътиборида, халқимиз ардоғида. Ҳар йили 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинаётгани устоз-мураббийларга кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиром ифодасидир.

Таълим соҳаси раҳбарлари, фаол ўқитувчи ва жонкуяр мураббийлар 30 сентябрь куни мамлакатимизнинг бош майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизда бунёд этилган замонавий иншоотлар, таълим, маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолияти билан танишди.

«Туркистон» саройида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, фидойи мураббийлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ таълим соҳасини тубдан ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга кенг жорий этилиши мамлакатимизни тараққий эттириш, турмушимизни фаровонлаштириш, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни вояга етказиш учун мустаҳкам замин яратди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг деярли барчаси реконструкция қилинди, тубдан таъмирланди, юзлаб янги мактаблар бунёд этилди. Мактабгача таълим муассасалари, махсус мактаб-интернатлар, «Баркамол авлод» болалар марказлари, болалар ва ўсмирлар спорт, мусиқа ва санъат мактаблари, лицейу коллежлар, олий таълим даргоҳларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини давр руҳига мос тарзда йўлга қўйиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг **«Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир»** деган фикри халқимиз орасида эзгу даъватга айланди. Шарафли касб эгаларининг меҳнатини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган ишларни янада кучайтирди. Ўтган йиллар мобайнида таълим соҳасидаги юзлаб устоз-мураббийлар Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Қаҳрамонлари борлиги янада қувонарлидир.

— Меҳнатимиз истиқлол йилларида қадр топди, — дейди пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Раҳматулла Каримов. — Президентимизнинг маърифат аҳлига кўрсатаётган юксак эътибори барча педагогларни мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга даъват этмоқда, фарзандларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашдек эзгу ишларни янада кучайтиришда қанот бўлмоқда.

Бугунги интеграциялашув жараёни кучайган, ахборотлашган замон ўқитувчини илғор педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан унумли фойдаланадиган ижодкор устоз даражасига кўтаришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танлови ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Бу йил ҳам ушбу танловда ўз фани бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратган, ҳар бир дарсни янги услубда, қизиқарли ва ҳаётий мисоллар, турли кўргазмали воситалар билан ўтаётган илғор педагоглар сараланди. Тантанали йиғилишда ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Бугунги ўқувчига янги маълумот, янги фикр, мавзуга янгича ёндашув керак, — дейди танлов ғолиби, Олмалиқ шаҳридаги 20-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Марғуба Мирпўлатова. — Ушбу кўрик-танлов ўзаро фикр ва тажриба алмашишимизга, ўқувчиларни фаолликка ундовчи янги услуб ва шакллар билан танишишимизга имкон яратаётгани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ўқитувчилар кўнглини тоғдек кўтарди, уларни янада кўпроқ изланишга, ўқув-тарбия жараёнини янада бойитишга ундади.

2

# Тинчлик ва осойишталик – тараққиёт ва фаровонлик асоси

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29-30 сентябрь кунлари Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Фарғона вилоятига сафарининг иккинчи куни Фарғона туманидаги «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, вилоят фермерлари ва фаоллари билан суҳбатлашди.

Деҳқон мўл ҳосил етиштириш учун йил бўйи тайёргарлик кўради, она ерга меҳрини бериб меҳнат қилади. Сиз каби инсонларнинг фидойилиги туфайли етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг улкан хирмонини бунёд этишда, иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, деди Президентимиз.

Амалга оширилаётган барча ислоҳотлар замирида халқимизнинг, хусусан, фарзандларимизнинг бахту иқболи, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишини таъминлашдек олижаноб мақсад мужассам. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва, албатта, бахтли бўлиши шарт, деган эзгу тамойилнинг самараларини бугун ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кўриб турибмиз.

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан дадил бормоқда. Шаҳару қишлоқларимиз обод, хонадонларимиз файзу баракали, халқимиз дастурхони тўкин экани юртимиздаги тинчлик ва осойишталик самарасидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ўтказилган «Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари» рейтингида Ўзбекистон жаҳонда 44-ўринни, МДҲ давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани барчамизга ғурур ва қувонч бағишлайди. Бу «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган эзгу ғоянинг амалдаги ёрқин ифодасидир, деди Юртбошимиз.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида ерга, меҳнатга муносабат ўзгарди. Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга, фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда. Буни Фарғона вилояти фермерлари етиштирган мўл ҳосил мисолида ҳам кўриш мумкин.

Вилоятдаги 3590 фермер хўжалиги 100 минг гектардан зиёд майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирди.

Абдумажид Яҳёев раҳбарлик қилаётган «Мустақиллик шукронаси» фермер хўжалиги аъзолари 109 гектар майдонда пахта ва ғалла етиштираётир. Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, паррандачилик, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда 45 гектар майдонда ғалла етиштирилиб, гектаридан 62 центнердан ҳосил олинди. 64 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Фермерлик ҳаракатини изчил ривожлантириш, фермерларни қўллаб-қувватлаш натижасида вилоятда пахта, ғалла, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш шартнома режаси ортиғи билан бажарилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Фермерлар кенгашлари ташкил этилгани соҳа самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, хомашё етиштириш билан кифояланмасдан, уни қайта ишлашни йўлга қўйиш ва ривожлантириш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раҳбари Энахон Сиддиқова, Тошлоқ туманидаги «Заркент саховати» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Зебихон Рустамова, Фарғона вилояти Фермерлар кенгаши раиси Абдуғаффор Раҳимов, Ёзёвон туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси Ўктамхон Солиева, Фурқат туманидаги «Уста Юсуфжон наққош» оилавий корхонаси уста наққоши Маҳаматали Юнусов ва бошқалар дунёда тараққиётнинг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган дастур барча соҳаларда улкан самаралар бераётганини, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлиги юксалиб бораётганини қайд этди. Бу ютуқларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси эканини фахр билан таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Наманган ва Фарғона вилоятларига сафари давомидаги учрашув ва мулоқотлар, билдирилган фикрлар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганини, Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини муттасил юксалтиришга хизмат қилаётганини, халқимизнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам эканини яна бир бор намоён этди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ, Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 29 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1839,41 | 1 АҚШ доллари | 2621,00 | 1 Хитой юани | 411,52 | 1 Польша злотийси | 693,73 | 1 ЕВРО | 2940,95 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3983,65 | 1 Миср фунти | 334,74 | 1 Россия рубли | 39,91 | 1 СДР | 3673,48 | 10 Жанубий Корея вони | 21,97 |
| 1 Дания кронаси | 393,05 | 1 Исландия кронаси | 20,49 | 1 Украина гривнаси | 121,25 | 1 Туркия лираси | 861,26 | 10 Япония иенаси | 217,82 |
| 1 БАА дирҳами | 713,66 | 1 Канада доллари | 1967,27 | 1 Малайзия ринггити | 595,68 | 1 Швейцария франки | 2676,40 | | |

# МУНОСАБАТ

## ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Бу борада олий ўқув юртлари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талаблар асосида қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида шу йил қабул қилинган Фармон бу ишларни янги сифат босқичига кўтаришга замин бўлади, деб ишонаман.

Айни вақтда жаҳондаги энг нуфузли олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, хорижий университетларнинг мутахассислари иштирокида турли анжуман ва конференциялар ўтказиш, ўзаро тажриба алмашиш домлаларимизнинг билим ва дунёқарашини кенгайтиришга, уларнинг малакасини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

**Қадрли устозлар!**

Барчамизга аёнки, мафкура соҳасида ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Агар озгина бўшлиққа йўл қўйсак, уни албатта бизга ёт ва бегона бўлган кучлар эгаллаб олади.

Ҳозирги кунда бутун дунёда ёш авлоднинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётгани, бизнинг ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга, динимизга мутлақо зид бўлган зарарли фикр ва ғояларни тарқатиш орқали ҳали дунёқараши мустаҳкам шаклланиб улгурмаган фарзандларимизни ўзининг қабиҳ тузоғига илинтириш учун турли марказлар томонидан қанча-қанча куч ва маблағлар сарфланаётгани сизларга яхши маълум, албатта.

Халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётига, болаларимизнинг келажагига қарши қаратилган таҳдидлар – бу халқаро терроризм ва экстремизм бўладими, гиёҳвандлик ёки «оммавий маданият» кўринишлари бўладими – бундай бало-қазоларни остонамизга йўлатмаслик, ўғил-қизларимизни уларнинг ёвуз таъсиридан асраш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифамизга айланмоқда. Бундай ўткир зарурат таълим-тарбия муассасаларининг ота-оналар, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар жамоатчилиги, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтиришни талаб этмоқда ва бу йўлда сизлар бундан буён ҳам ўз куч-ғайратингизни аямайсиз, деб ишонаман.

Бизнинг асосий вазифамиз – ёш авлодга фақат билим беришдан иборат эмас, балки бугун дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан тўғри хулоса чиқара оладиган, «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!» деб, ўз ери, ўз юртига садоқат туйғуси билан яшайдиган, **Ўзбекистон фуқароси деган шарафли номга ҳар томонлама муносиб бўлган инсонларни тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.**

**Азизларим, қадрдонларим!**

Бугун мана шу ҳал қилувчи вазифаларни чуқур англаган, уларни амалга ошириш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган, чинакам фидойи муаллимлар, ўқитувчи ва домлалар сафи тобора кенгайиб бораётгани эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Шулар ҳақида гапирганда, бир фикрни мамнуният билан таъкидлашни истардим: мустақиллик йилларида самарали меҳнати ва ибратли фаолияти учун давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган ватандошларимиз орасида ўқитувчи ва мураббийлар сони кўпчиликни ташкил этиши, ҳеч шубҳасиз, эл-юртимизнинг сиз, азизларга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборининг амалий ифодасидир.

Сизларнинг масъулиятли хизматингизни муносиб қадрлаш, фаолиятингизни янги босқичларга кўтариш учун зарур шароитларни яратиш масаласи бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътибор марказида бўлади, деб сиз, азизларни ишонтириб айтишга бугун тўлиқ асосларимиз бор.

Барчангизни қутлуғ айём – Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга файзу барака, бахту саодат, эзгу ишларингизда янгидан-янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан барака топинг, меҳрибон устозлар!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Улуғ касб эгалари шарафланди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼



Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларини ўқитиш, хорижий тилларни пухта биладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит ва имкониятлар яратмоқда.

Чет тили ўқитувчилари Давлат тест маркази томонидан доимий равишда синовдан ўтказилиб, уларнинг маошига қишлоқ жойларда 30 фоиз ва бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорида қўшимчалар бериб борилмоқда. Бу масъулиятли ва шарафли касб соҳибларини ўз устида тинимсиз ишлашга, баркамол авлод тарбиясида янада фаол бўлишга ундамоқда.

Таълим-тарбия жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида барча умумтаълим мактабларида «Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги жамоат кенгашининг фаолияти йўлга қўйилган. Бу маънавий-маърифий ишлар сифатини доимий таҳлил этиб бориш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқиши ва иштиёқини тобора кучайтириш, 9-синфни тамомлаган ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида барпо этилган 1500 дан ортиқ академик лицей ва касб-ҳунар коллежида ёшларга ўзи танлаган йўналиш ва соҳа сирлари ўргатилмоқда.

Мамлакатимизда олий таълим тизими бакалавриат ва магистратурадан иборат икки босқичли стандартга ўтказилди.

Маросимда Пискент туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Марҳабо Қурбонова, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ва бошқалар таълим-тарбия, илм-фан, маънавият ва маърифат тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар келажагимиз эгаларини Ватанимизга, буюк аждодларимизга муносиб фарзанд этиб тарбиялашдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидлади. Ушбу эзгу мақсадга бутун борлиғини бахш этаётган касб соҳибларига кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Тадбирда санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокида катта концерт намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев, Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Таълимга эътибор — келажакка эътибор

**Мамлакатимиз таълим тизимида бугун 390 минг нафарга яқин устоз ва мураббий фаолият кўрсатмоқда. Умумтаълим мактабларида дарс бераётган ўқитувчиларнинг 79,5 фоизи олий маълумотли мутахассислардир. Миллий матбуот марказида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан «Таълим ва тарбия уйғунлиги — баркамол авлодни шакллантиришнинг муҳим омили» мавзуидаги матбуот анжуманида ушбу рақам алоҳида тилга олинди.**

**Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У. Иноятов ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида атрофлича тўхталиб, умумтаълим мактабларига ёш кадрларни жалб этишга катта аҳамият берилаётгани, шу мақсадда жорий йилда олий ўқув юртларини битирган 7000 нафардан зиёд педагог ўз фаолиятини бошлагани, шунингдек, 47 та олис туман ва қишлоқ мактаби учун чет тиллар ўқитувчилари тайёрлаш мақсадида ушбу ҳудудлардан 200 нафар абитуриент олий таълим муассасаларига қабул қилинганига эътибор қаратилди.**

**Мулоқот давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутасаддилардан жавоб олишди.**

ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ:

## Изланиш ва интилиш омили

**Мулкий муносабатлар кишилик жамиятида доимо катта аҳамиятга эга бўлиб келган. Лекин собиқ тузум даврида хусусий мулк ҳуқуқи хусусида сўз очишнинг ўзи ўринсиз эди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейингина мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш учун зарур шароит яратилди**



**Илҳом НОСИРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилиб, мазкур йўналиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг таянч нуқталаридан бири сифатида белгиланди. Давлат тасарруфидаги мулкни хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши айни шу даврга тўғри келди ва ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар эса асосан хусусий мулк мақомида шакллантирилаётгани барчамизга яхши маълум. Зеро, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда.

Президентимиз мамлакатни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисидаги маърузасида ана шу жиҳатга яна бир бор ҳаммамизнинг эътиборимизни қаратгани бежиз эмас. Дарҳақиқат, хусусий секторда маблағлардан самарали фойдаланилмоқда. Бу соҳада юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлаш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга бўлган қизиқиш ва интилиш анча кучли бўлиб, ишлаб чиқариш туфайли имкон қадар кўп даромад олиш каби пировард молиявий натижалар ҳам сезиларли равишда юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган. Мазкур норма шахснинг муайян моддий неъмат ва ашёга нисбатан хўжалик ҳукмронлигини қўлга киритишга бўлган қонуний ҳаракатларини акс эттиради. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир шахснинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, унинг шу мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган ҳаракатларини чеклаш ёки уни бу ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилишни тақиқловчи қонуний чора ҳисобланади.

Хусусий мулк эгаси ўз фаолиятини асосан кичик бизнес ва тадбиркорлик шаклида намоён қилади. Аммо бу соҳани ривожлантиришнинг иқтисодий, молиявий, меъёрий-ҳуқуқий ва ташкилий механизмларини ишга тушириш ўз-ўзидан бўлмайди. Демак, бундай тизимнинг бир маромда ишлашини таъминламай туриб бозор муносабатларига асосланган эркин иқтисодиётни жадал тараққий эттириб бўлмайди. Шу боис O`zLiDePнинг Сайловолди платформасида хусусий секторни янада ривожлантириш масаласига мамлакат келажагини белгилайдиган соҳа сифатида эътибор қаратилган. Партиямиз электорат манфаатлари нафақат қонунчиликда акс эттирилиши, балки амалда ўз тасдиғини топиши керак, деган ғояни илгари суради. Чунки мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш ҳисобига янги иш ўринлари яратилади, истеъмол бозори товар ва маҳсулотлар билан тўлдирилади.

Биргина мисол: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2015 йилнинг январь-июнь ойларида хусусий корхоналар ва микрофирмаларни қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар эвазига 107 мингга яқин, якка тадбиркорликни ривожлантириш орқали 50 минг, уй меҳнатининг барча шаклларини ташкил этиш туфайли 120 минг, фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш натижасида эса 77 мингга яқин киши доимий иш билан таъминланган. Зотан, хусусий мулк шахснинг нафақат моддий, балки маънавий эркинлиги манбаи ҳамдир.

Юртбошимизнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалалар ечимини топишда мулкка бўлган муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги хусусидаги теран фикрларининг мазмун-моҳиятини англаб олиш бугунги кундаги долзарб масалалардан биридир: «**...мулкдорлар синфини шакллантириш эл-юртимиз барқарорлиги ва тараққиётининг муҳим шарти ва кафолати, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари, ўқитувчи ва шифокорлар, илм-фан намояндалари, зиёлилар ўрта синфга мансуб табақа ҳисобланади. Дунёнинг энг қудратли давлати бўлмиш АҚШда ҳам ўрта синф давлатнинг асосий суянчи ва таянчидир. Япония, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда ҳам тахминан 60-70 фоиз аҳоли ўрта синфга мансуб. Жамиятда ўрта синф катта ўрин тутадиган бўлса, одамлар ҳаётидан рози бўлиб яшайди, уларнинг ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат муҳити ҳукм суради. Агар жамиятдаги синфлар ўртасида тафовут катта бўлиб, улар бир-биридан норози бўлса, зиддият ва тўқнашув юз беради. Бу масаланинг ана шундай нозик томонларини ҳамиша эътиборимиз марказида тутишимиз лозим**».

Мустақиллик йилларида хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ғов-тўсиқларга барҳам беришга қаратилган ўнлаб қонунлар баробарида кўплаб фармон ҳамда қарорлар ҳам қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мулкий муносабатлар, унга эгалик қилиш, иш ўринлари яратиш, лицензиялар олиш, тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар ҳамда преференцияларни қўллаш кафолатларига доир қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Фуқароларнинг мулкка эгалик ҳуқуқлари мустаҳкамланиши борасида қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартишлар эса мулкдорларнинг янгиликка интилишига янада катта ишонч бағишлади. Бинобарин, Фуқаролик кодексининг 207-моддасида «Хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун хужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқидир. Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди» деб қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, «Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилди. Масалан, мазкур қонуннинг 6-моддаси «Якка тартибдаги тадбиркор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимлар ёллашни амалга оширишга ҳақлидир» деган норма билан тўлдирилди. Ваҳоланки, қонуннинг аввалги таҳририда «ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз фаолият» деган норма бор эди.

Қисқа қилиб айтганда, хусусий мулкка тўғри муносабатни шакллантириш ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини тараққий эттириш билан боғлиқ яхлит жараён аввало унинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда яққол намоён бўлмоқда. Бу борадаги долзарб вазифаларни бажаришда эса мулкдорлар синфини ўз электорати деб билган O`zLiDePнинг парламент қуйи палатасидаги фракцияси аъзолари фаол иштирок этишаяпти.

## Ёшлик қўрғонида янги сут заводи

**Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги Ёшлик қўрғонида сутни қайта ишлашга ихтисослашган янги корхона фойдаланишга топширилди. У замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Энг муҳими, бу ерда маҳаллий ёшлар учун 15 та қўшимча иш ўрни яратилди.**

**— Фаолиятимизни йўлга қўйишда «Ипотека банк»нинг вилоят филиали томонидан ажратилган 1 миллиард сўмлик кредит маблағи қўл келди, — дейди «Голден фут груп» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Аъзамжон Муродалиев. — Ҳозирда кунига 10-15 тонна сут қайта ишланмоқда. Янги заводнинг барпо этилиши вилоятдаги чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳамда шахсий деҳқон хўжаликлари учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Илгари улар маҳсулотни пойтахтдаги корхоналарга етказиб бериш учун кўп вақт ва маблағ сарфлаган бўлса, эндиликда бундай муаммо йўқ. Корхонада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми маҳаллий ёшлар — касб-ҳунар коллежларини тамомлаган йигит-қизлардир.**

Дилора ЭСОНОВА.

## Мол-мулк ва ер солиғи

### уларни 15 октябрга қадар тўлаш лозим

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Мамлакатимизнинг амалдаги қонунларига кўра, мол-мулк ва ер солиқларини ҳар йилнинг 15 октябрига қадар тўлаш лозим. Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган навбатдаги матбуот анжумани айнан шу мавзуда бўлди.

*Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўлаш белгиланган бўлиб, вақтида тўламаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилади. Яъни, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловларнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади.*

Унда мазкур бошқарма бошлиғи Абдуғани Мирзараҳимов иштирок этиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда ОАВлар вакилларининг ўрни муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

— Конституциямизнинг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги аниқ белгилаб қўйилган, — дейди бошқарманинг жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи Ў. Бойзоқов. — Зотан, жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджет даромадларини тўлдириб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, қиёфасини ўзгартириш ва ободонлаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш каби мақсадларга сарфланади.

Кези келганда, айтиш лозимки, солиқ ставкалари ҳар йили қайта кўриб чиқилади. Президентимизнинг 2014 йил 4 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига биноан 2015 йилнинг биринчи январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи 1,10 ва ер солиғи 1,15 баробарга индексация қилинган.

Мол-мулк ва ер солиқларини ҳисобот йилининг 15 октябрига қадар тўлаш белгиланган бўлиб, вақтида тўламаган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари қўлланилади. Яъни, Солиқ кодекси талабларига мувофиқ, тўловларнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан ҳар бир кун учун 0,033 фоиз миқдорда пеня ҳисобланади.

Тадбир иштирокчилари солиқлар ҳаётимиз фаровонлиги учун сарфланишини ҳисобга олганда бу тўловларни кечиктирмаслик ҳар бир фуқаронинг виждон амрига айланиши лозимлигини эътироф этишди.



## Муҳокама марказидаги масалалар

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидаги Ишчи гуруҳи вилоят ҳокимлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси билан ҳамкорликда йиғилиш ўтказди. Уни мазкур Ишчи гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Тоҳир Баҳронов олиб борди**

**Асхор ИСТАМОВ,** «XXI asr»

Йиғилишда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат ва ҳудудий дастурларининг халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан ижро этилишини ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократлаштириш жараёнида олиб борилаётган давлат сиёсати мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Ишчи гуруҳнинг 2015 йил иккинчи ярмига мўлжалланган режасига мувофиқ, назорат-таҳлил фаолияти доирасида бир қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари томонидан ижро этилишини ўрганиш ҳам ушбу режага киритилган муҳим вазифалардандир. Шунингдек, халқ депутатлари вилоят ва туман (шаҳар) кенгашларининг доимий комиссиялари тўғрисидаги намунавий Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда ушбу комиссиялар фаолияти, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг ижросини ўрганиш масалаларига ҳам иш режасида алоҳида ўрин берилган.

Бундан ташқари, жорий йил охиригача халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари учун «Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда депутатлик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида семинар ва долзарб масалаларга бағишланган бир қатор давра суҳбатлари ўтказиш мўлжалланган.

**Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ишлаб чиқилиб, яқинда қабул қилинган янги қонун электоратимиз манфаатлари, демакки, O`zLiDeP Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифалар билан тўла ҳамоҳангдир. Пойтахтимизда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан ташкил қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашиш — O`zLiDePнинг бош мақсади» номли амалий мулоқотда ана шу фикр бот-бот тилга олинди**



# МАСЛАКДОШЛАРГА КЎМАКДОШМИЗ

**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

Тадбиркорлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари қатнашган тадбирда партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров сўз олиб, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, ишбилармонларга кўпроқ эркинлик бериш билан чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлади.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган оқилона сиёсат бу жабҳада эришилаётган муваффақиятларнинг бош омилига айланди, — деди нотиқ. — Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари муҳофазаси таъминланиши билан боғлиқ 15 дан ортиқ қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга кирди. Натижада ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиз ўрнига бугунги кунда 56 фоизга етди. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги фармони республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан оширишнинг мантиқий давоми бўлди. Партиямиз ушбу муҳим ҳужжат қоидалари, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза этиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортиш даражасигача оширишга доир меъёрларини электоратга кенг тушунтириш борасидаги ишларга янада кўпроқ эътибор қаратмоқда.

— Мазкур фармон тадбиркорликнинг янада изчил ривожланишини таъминлайди ва жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи бўлган ўрта синфнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади, — деди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров. — Бу ҳужжат тадбиркорларимиз истак-интилишларини ўзида акс эттирганлиги билан долзарб аҳамиятга эгадир. Хусусан, энди ноқонуний текширувлар, тадбиркорлик субъектларига нисбатан бюрократик ёндашувларга бутунлай барҳам берилади. Биз — Тошкент шаҳар партия ташкилоти электорат манфаатини ишончли ҳимоялаш учун фаоллигимизни янада оширишимиз лозим. Хусусан, депутатлик назоратига алоҳида урғу беришимиз тақозо этилаяпти. Шу билан бирга ишбилармонларнинг ҳуқуқий билимларини кучайтиришга ёрдамлашиш, ўрта қатламни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган норматив ҳужжатларнинг ижросини мониторинг қилиб бориш мақсадга мувофиқ. Зеро, тадбиркорлар уй-ташвишларига кўмакдош бўлиб яшаш замон талабидир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси Полянте Свешников фармонда белгиланган чора-тадбирлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топгани ҳақида муфассал сўз юритди. Тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтириш, улар тараққиёти йўлидаги ғовларни бартараф этишга қаратилган айрим кафолат ва имтиёзларни изоҳлаб берди. Мазкур қонун мамлакатимизда туб ислоҳотлар изчил давом эттирилаётганининг яна бир далолати эканини қайд этди. Шунингдек, йиғилганлар диққатини баъзи масалаларга қаратди. Чунончи, савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариш субъектлари сони орасидаги тафовут ҳамон катта. Маърузачининг фикрича, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантириш, улар учун махсус имтиёзларни кўпайтириш лозим.

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Игорь Ли қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий сектор учун янада қулай шарт-шароит вужудга келтириш борасида муайян ишлар бажарилаётганини таъкидлади.

— Жорий йилнинг 8 ойи мобайнида тадбиркорлар манфаатларини муҳофазалаш бўйича 29 маротаба текширув ўтказилди, — деди ҳуқуқ-тартибот органи ходими. — Унинг хулосаларига кўра, 45 мансабдор шахс қонунга хилоф хатти-ҳаракатлари учун расман огоҳлантирилган, ноқонуний қарорларга нисбатан 171 та протест келтирилган, 44 мансабдор шахс интизомий, 32 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган. 4 нафар амалдорга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Шунингдек, ўтган даврда прокуратура органлари томонидан 181 тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланганини эътиборга молик.

Солиқ, банк ва божхона идоралари мутасаддилари ҳам мулкдорлар ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатловчи мазкур меъёрий ҳужжатлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мулоқот чоғида «MBS» МЧЖ бошқарувчиси Қ. Дўстов, «Лафз» ХК раҳбари М. Абдуллаев, «Agzamov Goops» ХФ директори Ф. Агзамов ва бошқа тадбиркорлар ўзларини қизиқтираётган саволлар, масалаларни ўртага ташладилар. Идора ва ташкилотлар вакиллари уларга батафсил тушунтиришлар бердилар, айрим масалалар назоратга олинишини маълум қилдилар.

# Партия ғояларига ҳамоҳанг

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилган «Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари» мавзуидаги мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, прокуратура, солиқ ва божхона ходимлари, Савдо-саноат палатаси вакиллари, экспертлар, тадбиркорлар иштирок этди**

**Дилноза НОМОЗОВА,** «XXI asr»

Унда Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони моҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш, ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

— «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»га мувофиқ тадбиркорлик йўналишида амалга оширилаётган ислоҳотлар янгича мазмун касб этмоқда, — деди O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Мухлиса Акрамова. — Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш истиқболдаги устувор вазифага айланди. Бундай кенг кўламли ишни амалга ошириш учун эса давлат органлари билан тадбиркорлик тузилмаларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш катта самара беради, деб ўйлайман. Бошқача айтганда, таркибий ислоҳотларнинг янги босқичи шундай ташкил этилиши керакки, бу борада ҳукумат ва бизнес том маънода ҳамкор бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаши даркор. Давлатимиз раҳбарининг фармони эса барчамиз учун дастуриламалдир. Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг моҳияти битта: у ҳам бўлса, соҳага янада эркинлик бериш, ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётимизда давлат ҳиссасини страгетик асосланган даражага қадар қисқартиришга қаратилган қонунларни янада такомиллаштиришдир.

Мулоқот давомида, шунингдек, жойлардаги партия қуйи ташкилотлари томонидан хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб этиш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўз самарасини бераётгани, ўтган ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, бизнес субъектларнинг 40 фоизини айнан аёллар бошқараётгани, юртимиздаги барча тадбиркорларнинг 35 фоизи хотин-қизлардан иборат эканлигига ҳам алоҳида урғу берилди.

Юқорида тилга олинган фармон асосида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун O`zLiDeP дастурий ғояларига тўлиқ мос келиши, партиянинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва рақобатбардошликни ошириш каби вазифалари билан ҳамоҳанг эканига эътибор қаратилди.

Амалий мулоқот давомида прокуратура, божхона ва солиқ ходимлари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

## Ўзбекистонда ягона

**Шаҳрисабз туманидаги Наматон қишлоғида Ўзбекистондаги илк хусусий зооцирк иш бошлади.**
**Икки гектардан иборат майдонда 200 га яқин ўтхўр ва йиртқич жониворлар, 40 турдан зиёд қуш нафақат маҳаллий аҳоли, балки воҳага ташриф буюрган сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**
**Зооцирк ҳудудида, шунингдек, Шаҳрисабз тарихи кичик музейи ва болалар ўйин майдончаси ҳам мавжудлиги барча-барчанинг қизиқишини уйғотмоқда. Уч минг кишини сиғдира оладиган амфитеатр эса турли томошалар кўрсатишга мўлжалланган.**
**Қурилиши икки йил аввал бошланган мазкур зооцирк Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурига киритилган.**
**Айни пайтда зооциркда 30 нафар мутахассис фаолият кўрсатмоқда. Ташриф буюрувчилар сони ортиб бораётгани боис яқин келажакда иш ўринларини 120 тагача кўпайтириш режалаштирилаяпти.**

## Янги универсал мослама

**Самарқанд қишлоқ хўжалик институти доценти Абдурашид Жаҳонгиров ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғлик ва ёнилғи сарфини камайтириш имконини берадиган универсал сеялка яратди.**
**Telegraf.uz нашрининг хабар қилишича, лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази томонидан амалиётга мувофиқ топилган.**
**Универсал сеялка ёрдамида экиш операцияларининг сифатли бажарилиши ҳисобига уруғ 20-25, ёнилғи 1,5-2 баробар кам сарфланади. Вақт тежалиши натижасида ғалла экишни оптимал муддатларда амалга ошириш имконияти кенгаяди. Уруғнинг бир текис, тўлиқ униб чиқиши ҳисобига ялпи ҳосил 10-15 фоиз ортади.**

Мусурмон РЎЗИЕВ.

# «Ёш лидер қизлар клуби» иш бошлади

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан И.М.Губкин номли Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент филиали қошидаги ихтисослашган академик лицейда ташкил этилган давра суҳбатида шу ҳақда маълум қилинди**



**Ўз мухбиримиз**

Мазкур клубнинг асосий мақсади қизларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маданий-маърифий дунёқарашини янада кенгайтириш, иқтидорли талаба қизларни партия сафига жалб қилиш орқали кадрлар захирасини мустаҳкамлашдан иборатдир. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда долзарб масалалар юзасидан қизлар ўртасида тадбирлар уюштириш, барчага ўрнак бўлаётган аъзоларни рағбатлантириб бориш ҳам кўзда тутилган. Клубга Ўзбекистон Республикасида яшовчи, миллати, ирқи, маълумоти ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар 16 ёшдан 25 ёшгача бўлган қизлар қабул қилинади.

— Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш, уларни элнинг корига ярайдиган инсонлар этиб вояга етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти, — деди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Дилноза Абдуллажонова. — Қизларимизнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб етишиши, ҳуқуқий-ижтимоий билимлари ошиши, уларнинг жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга зийрак нигоҳ ташлашига эришишда мазкур клуб муносиб ҳисса қўшишига ишонаман.

Тадбир давомида O`zLiDeP-нинг аёллар аудиториясига мўлжалланган «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Соғлом оила — мустаҳкам оила», «Фермер аёллар», «Туризмни ривожлантириш» каби лойиҳаларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида келишиб олинди.

Карина Маматқулова «Ёш лидер қизлар клуби»нинг раиси этиб сайланди.

# Германиялик экспертлар эътирофи

**Қаршида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Конрад Аденауэр фондининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли таъминлашнинг қонунчилиги ва амалиёти: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзуида семинар бўлиб ўтди**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, вазирлик ва идоралар ходимлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, германиялик эксперт ва олимлар иштирок этган анжуманни Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Қодиров очар экан, Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» юртимиз фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларининг сўзсиз таъминланишида дастуриламал вазифасини ўтаётгани, шу асосда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун фуқаролар ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликларини қонуний ҳимоялашни таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахслари масъулиятини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Тадбирда «Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда парламентнинг роли», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлашда давлат сиёсатининг асосий йўналишлари», «Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришнинг долзарб вазифалари», шунингдек, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг адлия органларида қўлланилиш амалиёти», «Ижтимоий шериклик — давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари манфаатларининг ўзаро уйғунлашуви», «Мамлакатимизда ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари ва механизмлари: тажрибалар ва ривожланиш истиқболлари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрганман, — деди семинарда германиялик ҳуқуқшунос, доктор Хайнц Бюлер. — Ўтган давр ичида мамлакатингизда замонавий қонун ижодкорлиги тажрибаси шаклланди. Демократик тамойилга асосланган қонунлар қабул қилинди, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари юқори даражага кўтарилди. Бу эса Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар сафидан тезроқ ўрин олишига ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

Семинарда германиялик экспертлар юртимизда жамоатчилик назорати институтини ривожлантириш, ННТлар билан давлат бошқаруви органлари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари, аҳолининг кам таъминланган қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасида бир қатор ютуқларга эришилганлигини алоҳида эътироф этдилар.

# Эртанинг тадориги — бугун

**Навоий шаҳрида вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати томонидан ижтимоий-иқтисодий объектларда қиш мавсумига тайёргарликнинг боришига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди**

**Мансур АСЛОНОВ,** «XXI asr»

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 7 июлдаги «Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2015-2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, мавжуд кўп қаватли уйларнинг 2 таси, 2 та касалхона мукаммал таъмирланган. 315 та ўрнига 331 та кўп қаватли уй, 5 та мактаб интернат ҳамда «Меҳрибонлик уй»лари, 17 та мактабгача таълим муассасаси жорий таъмирдан чиқарилган. Муҳандислик-коммуникация тармоқларидан 3,5 километр сув, 4,6 километр иссиқлик, 1072,2 километр электр тармоқлари, 225 та трансформатор пунктлари, 0,5 километр узунликдаги газ қувурлари мукаммал таъмирланган. Нурота, Кармана, Қизилтепа ва Хатирчи туманларидаги 9 та манзилда 18,2 километр узунликдаги газ қувурлари реконструкция қилинган. Айни кунгача 3438 та ўрнига 3781 та газ тартиблаш қурилмаси техник тафтишдан ўтказилиб, бу борадаги режа 110 фоизга уддаланган. 84 километр узунликдаги газ қувурларида босим остида зичликка синаш ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш ишлари амалга оширилган. 309 километр узунликдаги ер ости газ қувурлари прибор усулида текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилган.

Вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминланиш даражасини янада яхшилаш мақсадида «Ўзтрансгаз» АК томонидан 2 та объектда реконструкциялаш ишларини амалга ошириш учун 4 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағ ҳисобидан «Қизилтепа-1» ва «Навоий-1» газ тақсимлаш станцияларидан чиқувчи, диаметри 700 ва 630 мм бўлган, умумий узунлиги 17 километрлик юқори босимли газ қувурларини реконструкциялаш юмушлари якунига етмоқда.

Табиий газ билан таъминланмаган чўл ҳудудлари аҳолисига мунтазам равишда суюлтирилган газ етказиб бериш мақсадида Конимех ва Томди туманларида газ баллонларига суюлтирилган газ қуйиш пунктлари фаолият олиб бормоқда. Жорий йил якунигача худди шундай пунктлар Нурота туманининг «Темирқовуқ» ҳамда Хатирчи туманининг «Учқора» маҳаллаларида ҳам фойдаланишга топширилади.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ҳамда «Ўзтрансгаз» АКнинг «Газ тармоқларидан фойдаланиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш бўйича йирик ҳудудлар билан ишлашга ўтиш тўғрисида»ги буйруғига асосан шаҳар ва туманларда 30 та абонент бўлими бригадалари ташкил этилди. Аҳолига қулайлик яратиш, кириб бораётган табиий газ ҳажми бўйича қатъий ҳисоб-китоб юритиш мақсадида 52 дона замонавий электрон ҳисоблагич ўрнатилди.

Узоқ чўл ҳудудлари ва табиий газ танқислиги кутилаётган аҳоли пунктларидаги халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ўрта махсус таълим тизими сингари ижтимоий соҳа объектларига айни кунгача 13,1 минг тонна кўмир етказиб берилган. Ҳудудлар аҳолиси буюртмаси асосида «Ўзбеккўмир» АКнинг Навоий вилоят дистрибюторлик маркази томонидан қиш мавсуми давомида яна 15 минг тоннадан зиёд ёқилғи етказиб берилиши белгиланган.

Матбуот анжумани сўнгида муҳокама этилган мавзу юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддилари томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

# ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

## СЎРОВЛАР САМАРАСИ — САРҲИСОБДА

**O`zLiDeP Дастури ва Сайловолди платформасида белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳларининг фаоллигига боғлиқ**

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Шу маънода қайд этиш жоизки, бугунги кунда халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашида 22 нафар, шаҳар ва туман кенгашларида 133 нафар партиямиз вакили бор. Жорий йилнинг ўтган даврида тегишли ташкилотлар мутасаддиларига улар томонидан 70 та депутатлик сўрови йўлланди.

Муҳими, электорат манфаатлари ифодаланган мазкур сўровларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Чунончи, халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлиги масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси Санжар Эргашев сайловчилар мурожаатларига асосан шаҳар электр тармоқлари корхонасига сўров билан чиққанидан сўнг Чўлқувар маҳалласида электр таъминоти яхшиланди ҳамда бу ердаги тадбиркорлик субъектлари бир маромда ишлай бошлади.

Вилоят кенгаши депутати Шермат Шамсиевнинг «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси директори Анвар Темировга расмий мурожаатидан кейин Шаҳрисабз туманидаги Дўстлик, Маърифат маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги хонадонларга суюлтирилган газ етказиб берила бошланди.

Касби туман кенгаши депутати Фахриддин Турсуновнинг касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида туман ҳокимлигига киритган таклифи ҳам қабул қилинди.

— Депутат мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий билимларини муттасил ошириб бориши зарур, — дейди партия вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турсунов. — Депутатлик бирлашмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Сиёсий таълим маркази билан ҳамкорликда семинарлар ташкил этаяпмиз. Жумладан, Президентимизнинг маърузалари мазмун-моҳиятини ўрганиш, O`zLiDePнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастури бажарилишида депутатлик корпусининг ўрни мавзуида Қарши ва Шаҳрисабз туманларида тадбирлар ўтказилди. Асосий эътибор депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг партиявий масъулиятини оширишга қаратилмоқда. Бу эса ўз самарасини бераяпти. Хусусан, депутатлик гуруҳларимиз томонидан қонунлар ва қонуности ҳужжатларини жойларда ўрганиш бўйича назорат-таҳлил текширувлари ўтказилиб, маҳаллий кенгашлар сессияларига 6 та масала киритилди.

Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгаши сессиясида муҳокама қилинган «Ҳокимлик иқтисодиёт бўлимининг шаҳарни 2013-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури асосида ишга туширилиши лозим бўлган озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини ўрганиш» масаласи шулар сирасидандир. Халқ депутатлари Қарши туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида эса «Туманда 2015 йилда давлатга пахта хом ашёсини сотиш бўйича тузилган контрактация шартномасининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди ва туман кенгаши сессиясига киритилди.

— Сайловолди платформамизда белгиланган вазифаларни бажариш учун барча партиявий воситаларни ишга солишимиз зарур, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Алишер Бойқараев. — O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш бўйича қабул қилинган қарорлар барча ҳудудларда бўлганидек, вилоятимизда ҳам сиёсий кучнинг мазкур бўғини ишига ижобий таъсир кўрсатди.



Мухтасар айтганда, O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчилар билан мунтазам учрашиб, уларни ўйлантираётган муаммоларни атрофлича ўрганиб, мақбул ечимлар топаяптилар. Бундай саъй-ҳаракатлар эса вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда муайян аҳамият касб этаётир.

**Айни пайтда халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашида O`zLiDePнинг 22, Наманган шаҳрида 16 ва туман кенгашларида 113 нафар депутати фаолият юритмоқда**



## Ишончни оқлаш осонми?

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати раҳбари

Хўш, сайловлардан сўнг ўтган 8 ой мобайнида улар ўзларига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан қай даражада фойдаландилар? Партия электорати вакиллари манфаатларига доир қандай чора-тадбирларни амалга оширдилар?

— Биринчи навбатда депутатлик мандатига эга бўлган сафдошларимиз учун ўқув-амалий семинарлар ташкил этилди, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Носиржон Абдуллаев. — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари иштирок этган тадбирларимизда депутатлик мақоми, ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида маърузалар қилинди. Савол-жавоблар асосида атрофлича тушунчалар берилди. Хизматда фойдаланиш учун махсус қўлланма тайёрлаб, тарқатилди. Сўнгра депутатлик гуруҳлари раҳбарлари учун иш режаларини тузиш, доимий комиссиялар йиғилишлари, сессияларга масалалар киритиш тартиб-қоидалари хусусида алоҳида йиғилишлар ўтказдик.

Ушбу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Ўтган давр мобайнида депутатлар томонидан турли ташкилот ва муассасаларга 205 та сўровнома юборилиб, 70 фоизи ижобий ечим топди. Бундан ташқари, туман, шаҳар кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз томонидан сессияларга 2 тадан, доимий комиссиялар йиғилишларига 3-4 тадан, жами 60 дан зиёд масала киритилди.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари вилоят кенгашидаги депутатлик гуруҳи таклифи билан Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш доимий комиссияси йиғилишларида электорат манфаатларига оид қатор масалалар, жумладан, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда банкларнинг роли», «Вилоят маҳаллий бюджетининг 2014 йилдаги ижроси» муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан Солиқ, Молия ва Марказий банк бошқармалари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Айниқса, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи ҳисоботи танқидий ва таҳлилий руҳда ўтди. Унда режа асосида муайян ишлар бажарилганлиги эътироф этилиши баробарида дастурнинг 15-бандида ёлғиз ва ижтимоий мададга муҳтож кексаларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича Косонсой, Учқўрғон, Чортоқ, Тўрақўрғон ва Наманган туманларида амалга оширилган тадбирлар талаб даражасида эмаслигига танқидий баҳо берилди.

Умуман олганда, O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари электорат манфаатларига дахлдор бўлган қонунлар ижросини таъминлашга масъулият билан ёндашмоқда. Хусусан, «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунлар тарғиботига бағишлаб ўтказилган семинарда Олий Мажлис Сенати аъзоси Солижон Мўминовнинг маърузаси тингланди.

«Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иштироки: қонунчилик ва амалиёт» мавзуидаги семинар ҳам қизиқарли ўтди. Унда вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Гўзал Шарипова прокуратура органлари томонидан ўтказилган тарғибот тадбирларида янги қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорларида тадбиркорлик субъектлари учун яратилган имтиёзлар ҳақида атрофлича тушунча берди. Ишбилармонлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларнинг ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинди. Жумладан, фаолият бошлаётган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш, ноқонуний текширишлар, ортиқча ҳисобот ва маълумотларни талаб қилиш, архитектура, солиқ, ер ресурслари ва бошқа идоралар масъуллари томонидан йўл қўйилаётган қатор камчиликларга эътибор қаратилди.

Назорат тадбирлари давомида 574 та тадбиркорнинг ҳуқуқлари тикланиб, амалий ёрдам кўрсатилганлиги,13 нафар тадбиркорга тижорат банкларидан 479,4 млн. сўмлик кредит олиш, 25 нафарига эса 161,2 млн. сўмлик ҳақларини ундириб беришга амалий ёрдам кўрсатилганлиги таъкидланди.

— Депутатлик гуруҳимиз режасида тарғибот ишлари, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш, доимий комиссия йиғилишларига ва сессияларга масалалар киритиш, айниқса, сайловчилар мурожаатига алоҳида эътибор қаратилган, — дейди «60-Заркент» сайлов округидан халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Наргиза Муҳаммадиева. — Сайловчиларим менга Янгиқўрғон туманининг Нанай, Паромон қишлоқларида Халқ банки шохобчалари йўқлиги туфайли аҳоли қийналаётгани хусусида мурожаат қилишди. Мазкур банк вилоят филиали раҳбарига депутатлик сўрови билан чиққанимдан сўнг бу масала ечимини топди.

Худди шундай «16-Олтин водий» сайлов округидан вилоят кенгашига депутат, O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Бахтиёр Жўраевнинг «Тоза ичимлик сув» корхонаси раҳбарига йўллаган депутатлик сўровидан сўнг қисқа муддатда лойиҳа тайёрланиб, Сарой қишлоғи ичимлик суви билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, Наманган вилоятида маҳаллий кенгашларга O`zLiDePдан сайланган депутатлар электорат ишончини оқлаш, вилоятда тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

## ЭЛЕКТОРАТ БИЛАН ҲАМНАФАС БЎЛИБ ИШЛАШ ИМКОНИЯТИ

**Халқ депутатлари Жарқўрғон туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи фаолияти вилоятдаги маслакдошларимизга намуна қилиб кўрсатилаяпти. Лекин…**

**Муҳриддин НУРМАНОВ,**
«XXI asr»

Ўтган йилнинг декабрида партиялараро кучли рақобат муҳитида ўтган сайловда Сурхондарё вилоятида O`zLiDePдан халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодларга катта ишонч билдирилди. Бугунги кунда вилоят кенгашида партиямиздан сайланган 24 нафар, шаҳар ва туманлар кенгашларида эса 130 дан ортиқ депутат фаолият юритаётгани фикримиз тасдиғидир.

Хусусан, халқ депутатлари Жарқўрғон туман кенгашида O`zLiDePдан сайланган етти нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Улар партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларидан келиб чиқиб, электорат манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бераётир. Нодавлат сектори вакилларининг ҳуқуқий, иқтисодий саводхонлигини янада ошириш, улар манфаатини ҳимоялаш, қишлоққа саноатни олиб кириб, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлашга йўналтирилган муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

— Депутатлик имтиёз эмас, балки эл-юрт, электорат ўй-ташвишларига ҳамнафас бўлиб яшаш, ишлаш имкониятидир, — дейди туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Қорахон Жўраев. — Кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий-демократик давлат барпо этилаётган мамлакатимизда одамларнинг сиёсий онги ўсиб, тафаккури тобора юксалиб бораяпти. Бинобарин, юртдошларимиз ўзларининг сайлаш ҳуқуқига алоҳида масъулият билан ёндашганлари зиммамизга кўплаб вазифаларни юклади. Ана шу вазифалар кўламидан хулоса чиқариб, фаолиятимиз бошланган пайтдан эътиборан келгуси сайловга пухта ҳозирлик кўрмоқдамиз, десам муболаға бўлмайди.

Дарҳақиқат, депутатлик гуруҳи аъзолари сайловчилар ишончини оқлаш учун белгиланган иш режаси асосида аҳиллик билан фаолият юритмоқда. Тизимли саъй-ҳаракатлар натижасида фермерлик қишлоқда етакчи кучга айланиб, аҳоли фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаяпти. Тадбиркорлик, ҳунармандчилик ривожланиб бормоқда. Янги корхоналарга асос солинаётир.

— Туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бўйича гуруҳимиз аъзолари депутатлик назоратини изчил юритаяпти, — дея суҳбатни давом эттиради Қ. Жўраев. — Бу эса фермерларнинг ютуқларини янада мустаҳкамлаб, кўп тармоқли хўжаликларга айлантириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириб, қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга кўмаклашмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «O`zLiDeP ҳудудий тузилмалари ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари томонидан 2015 йилда республикада озиқ-овқат соҳасида амалга ошириладиган янги инвестиция лойиҳалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш дастури устидан партиявий ва депутатлик назоратини олиб бориш тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат асосида депутатларимиз мазкур йўналишдаги лойиҳаларга бириктирилди. Ҳозир озиқ-овқат соҳасида ўнга яқин янги лойиҳани ишга туширишда депутатларимиз фаол иштирок этаяпти. Бундан ташқари, электорат манфаатларини ифодалаш борасидаги ишларга эътиборни янада кучайтираяпмиз.

Пухта режа асосида депутатлик эшитувлари ташкил этилаётгани ҳам туманда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаб, давлат ва жамоат ташкилотлари масъулиятини оширишда муҳим омил бўлаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида O`zLiDeP депутатлик гуруҳи ўнга яқин эшитув ташкил этгани диққатга молик. Жумладан, туман Фермерлар кенгаши раиси Ш.Тураповнинг ҳисоботини тинглаш жараёнида депутатлар туманда тупроқ унумдорлигини янада ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, қишлоқ хўжалигида барча агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш, замонавий агротехнологияларни қўллаш борасида Фермерлар кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида муфассал ахборотга эга бўлдилар. Дунёда аҳолини сифатли, табиий озиқ-овқат билан таъминлаш долзарб масалага айланаётган бир пайтда туманда ерлардан унумли фойдаланиб, озиқ-овқат экинлари етиштириш кўламини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларга холисона баҳо берилди. Табиий, сервитамин, арзон озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

Туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари С. Тошбоев, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бош мутахассиси Т. Эшқўзиев ҳам депутатлар олдида ҳисоб бериб, ҳудудда қулай инвестициявий муҳит яратиш, иқтисодиётга киритиладиган хусусий инвестициялар ҳажмини ошириш, аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш масалалари юзасидан олиб борилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилиб, тегишли қарорлар қабул қилишди.

*— Гуруҳимиз томонидан олиб борилаётган бу каби ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати С.Қувватова. — Масъул раҳбарлар ҳисоботларини тинглашдан мақсад мавжуд муаммолар ечимини топишга кўмаклашишдир.*

— Гуруҳимиз томонидан олиб борилаётган бу каби ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин, — дейди O`zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари туман кенгаши депутати С. Қувватова. — Масъул раҳбарлар ҳисоботларини тинглашдан мақсад мавжуд муаммолар ечимини топишга кўмаклашишдир. Шунингдек, бу йилги иш режамизга кўра, туманда инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини чуқур таҳлил қилиб, баъзи масалаларни халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессиясига киритишни мўлжаллаяпмиз.

Депутатларнинг ибрат олишга арзирли фаолияти эътибордан четда қолмади. Чунончи, шу йилнинг иккинчи чорагида O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан Жарқўрғон туманида ўтказилган кўргазмали семинарга Термиз шаҳри ва туманлар партия ташкилотлари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳи раҳбарлари, БПТлар етакчилари ва партия фаоллари таклиф этилиб, мазкур туман партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳининг иш тажрибаси атрофлича ўрганилган эди. Афсуски, барча бирдек улардан ўрнак олишга шошилмаяпти. Масалан, халқ депутатлари Шеробод туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларида тилга олинган ишлар қизиқиш уйғотмади шекилли. Бундай хулоса чиқаришга асос бор. Жорий йилнинг ўтган даврида бу туманда атиги бешта депутатлик эшитуви ташкил қилинди. Шунингдек, туман кенгашида ўнта депутатлик ўрнини эгаллаган O`zLiDeP депутатлик гуруҳи мазкур ҳудудда озиқ-овқат соҳасида амалга оширилаётган янги инвестиция лойиҳалари бажарилишини ҳам эътибордан четда қолдираётганга ўхшайди. Сайловчиларни ўйлантираётган долзарб масалаларни атрофлича ўрганиб, доимий комиссиялар ва сессиялар муҳокамасига киритишда ҳам ташаббускорлик сезилмаяпти. O`zLiDeP вилоят кенгаши мутасаддиларининг таъкидлашича, ҳар иккала туманда партиянинг мақсад ва вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш учун тенг шароит ва имконият мавжуд. Шундай экан, халқ депутатлари Шеробод туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари жарқўрғонликлар тажрибасини ўрганиб, тезроқ ўз фаолиятларига жорий этса, мақсадга мувофиқ бўларди..

## МУТАСАДДИНИНГ АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Боёвут туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Унда туман ичимлик сув корхонаси бош мутахассиси Д.Оқмирзаевнинг «Ҳудудларда ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва замонавий санитария тизимлари билан таъминлашга доир кўрилаётган чора-тадбирларнинг тумандаги ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги масала юзасидан ахбороти тингланди.**

**— Вилоятда ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш учун 15 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилиши белгиланган, — деди Оқмирзаев. — Бугунги кунга қадар 7,51 млрд. сўм миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилди.**

**Боёвут тумани бўйича 3 та қудуқ, 7 дона насос, 2 та сув минораси, 7 та эски тик қудуқни экспертиза қилиш лойиҳаси тасдиқланган. Шунингдек, тоза ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш мақсадида Ижодкор, Ш.Рашидов, Муқимий, Бобоюрт ҳамда Пахтакор маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида лойиҳа ишларини амалга ошириш учун қатор тадбирлар олиб борилмоқда.**

**Халқ депутатлари туман кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари С.Қорабоеванинг таъкидлашича, йиғилишда депутатлик гуруҳининг 2015 йил биринчи ярмидаги фаолиятига танқидий ёндашилиб, депутатларнинг келгусидаги фаолиятини янада жонлантириш юзасидан тегишли кўрсатмалар ва тавсиялар берилди. Ҳар депутатнинг ҳисоботини тинглаш ва муҳокама қилиш масалалари белгиланди.**

Дилора ЭСОНОВА.

**«XXI ASR»** 40 (620)-son, e-mail: xxi_asr@umail.uz

**«БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСКОР ВА ИШЧАН БЎЛИШИ, ПАРТИЯНИНГ ТАКТИК ВАЗИФАЛАРИГА МУВОФИҚ ИШ ШАКЛИ ВА УСЛУБЛАРИНИ ТЕЗ ЎЗГАРТИРИШ ҚОБИЛИЯТИГА ЭГА БЎЛИШИ ВА АҲОЛИНИНГ ДОЛЗАРБ, КУНДАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА АМАЛИЙ ТАДБИРЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ КЕРАК».**

O`zLiDeP Уставидан.

# СЎЗИ БИЛАН ИШИ БИР СИЁСИЙ КУЧ

**O`zLiDeP Чилонзор туман кенгаши таркибига кирувчи «URI-KOM» адвокатлик фирмасида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти мана, етти йилдирки, ўз ваколатлари доирасида хусусий сектор вакилларининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий савияси юксалиши, улар дуч келаётган айрим муаммоларга ечим топишга муайян ҳисса қўшаётир**



**Беҳзод ИСРОИЛОВ,**
«XXI asr»

— Қуйи бўғин тузилган дастлабки пайтларда ўтказилган йиғилишимизда партиямиз нуфузини янада ошириш учун қандай ишларни амалга оширсак мақсадга мувофиқ бўлади, деган масалани ўртага ташлаганмиз, — дейди БПТ етакчиси, Тошкент шаҳар ҳакамлик суди масъул ходими Муқаддас Лутфуллаева. — Энг самарали йўл — тадбиркорларга ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам бериш, деган якдил қарорга келганмиз. Чунки куч ва салоҳиятимиз ана шу вазифани уддалаш имконини беради. Биз бу борада тегишли ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олганмиз.

Кўп ўтмай, ана шу режалар амалий ишларга айлана бошлади. Қуйи тузилма маҳаллий партия ташкилоти, ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат муассасалари билан биргаликда жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини йўлга қўйди. Натижада жойлардаги долзарб муаммоларга депутатлар, кенг жамоатчилик диққатини жалб этиш имкони яратилди. Ўтган 8 ойда БПТ иштирокида касб-ҳунар коллежлари, корхоналар, маҳаллаларда ижтимоий-ҳуқуқий мавзуларда 20 га яқин тадбир уюштирилди. Хусусан, МФЙларда ташкил этилган «Партия ташкилоти ва партиявий фаолият», «Демократик ислоҳотлар ва кўппартиявийлик тизими» ҳамда «Ҳуқуқий саводхонликни ошириш — давр талаби» номли туркум мулоқотлар иштирокчиларга манзур бўлди. Муҳими, тушунтириш ишлари жараёнида бошқарув органлари фаолиятини такомиллаштириш, ёшларни иш билан таъминлаш, кўчаларни ободонлаштириш ва бошқа масалалар бўйича талай таклифлар олинди. Улар умумлаштирилиб, партия туман ташкилотига тақдим этилди. Шу билан бирга таянч бўғин маҳаллаларда ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилишига бош-қош бўлди. Уларда ёлғиз қариялар, муҳтож оилалар ва тадбиркорларга бепул юридик кўмак беріляптики, бу одамларнинг партияга ишончи янада ортишига хизмат қилмоқда.

Чунончи, учрашувларда бир неча тадбиркор солиқ ва бошқа идоралар томонидан ўтказилаётган текширувлар қанчалик қонуний эканини билишга қийналаётганини баён этишди. БПТ аъзолари бўлган мутахассислар «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни юритиш, унинг аҳамияти ва масалага тааллуқли бошқа жиҳатлар ҳақида муфассал маълумот бердилар. Кейинчалик тадбиркорлар бу маслаҳатларга амал қилиши натижасида текширувлар анча камайганлигини айтиб, миннатдорлик билдирди. Яна бир тадбирда эса касаначилик билан шуғулланувчи аёллар иш берувчининг меҳнат дафтарчаларига тегишли қайдларни киритмаётганлиги масаласини кўтардилар. Сафдошларимиз томонидан уларга бундай ҳолат амалдаги қонунларга хилоф эканлиги, касаначилик учун ҳам иш стажи белгиланиши мажбурийлиги уқтирилди. Хуллас, тарғибот ишлари зое кетмаяпти.

Иқтидорли, партиямиз дастурий вазифаларини мукаммал билувчи 9 нафар маслакдошимизни бирлаштирган O`zLiDeP таянч нуқтаси тадбиркорлар муаммоларини ҳал этишга ҳам дадиллик билан киришаётир. Бунда адвокатлик тажрибаси билан бирга «БПТ — партия юқори ташкилоти – депутатлик сўрови» механизми ғоят қўл келмоқда.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Тадбиркор Ш.Ҳикматов жами қийматини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан 9 қаватли қаровсиз бинони хусусийлаштирган ва таъмирлаш, қайта қуриш ишларига 1,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфлаган эди. Шартномада белгиланган муҳлат тугади, лекин мулкдор айрим сабабларга кўра тўловнинг қолган қисмини бироз кечиктирди. Оқибатда Давлат мулк қўмитаси томонидан бинони қайтадан давлат тасарруфига ўтказиш масаласи кўрила бошланди. Бошланғич ташкилот ташаббуси билан туман кенгашида кўриб чиқилган ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Полянте Свешников республика Бош прокуратурасига депутатлик сўрови йўллади. Қисқаси, муаммо шу тариқа тадбиркор фойдасига ҳал этилди.

Дорихонаси давлат эҳтиёжи туфайли бузилган С.Ҳайдаров ҳам дўстлари тавсиясига кўра мазкур БПТга мурожаат қилганди. Унга янги дорихона қуриши учун Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори асосида Олмазор туманидаги «Қора-Қамиш деҳқон бозори»нинг «Форобий» шохобчаси ҳудудидан 180 кв.м ер ажратилган. Қурилиш ишлари кетаётган пайтда Тошкент тиббиёт академиясининг иккинчи клиникаси маъмурияти «ер клиникага қарашли» эканини važ қилган. Мазкур низо суд орқали тадбиркор фойдасига ҳал этилди. Эътиборлиси, муаммонинг шу тариқа ечим топишидан ана шу ҳудуддаги бошқа тадбиркорлар ҳам манфаат кўрдилар.

А.Бурҳонов ҳам O`zLiDePнинг сўзи билан иши бир сиёсий куч эканига ишонч ҳосил қилди. Тадбиркор ўзига тегишли «Суйимахон» номли дўкон биносини бир танишига пулини кейинчалик бериш шарти билан сотган. Келишилган вақт келганда у бинонинг пулини бермаган. Жабрланган тадбиркорга ёзиб берилган битта талабнома ёрдамида дўкон ноқонуний эгаллаб олувчилардан қайтариб олинди.

— Ўз чиқишларидан бирида Юртбошимиз: «Олдимизда турган барча ғов ва тўсиқларни енгиш жараёнида ҳаммамиз учун энг таъсирчан қуролга айланадиган куч – бу халқимизнинг ҳуқуқий онгини, тафаккурини тарбиялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, қалбида эркинлик ва масъулият туйғуларини қарор топтириш», эканлигини таъкидлагандилар, — дейди таянч тузилма етакчиси. — Ушбу сўзлар айни ҳақиқатлиги келтирилган мисолларда ҳам кўриниб турибди. Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Инсон ўз ҳуқуқларини билса ва уларни қонун йўли билан ҳимоя қилса, албатта, ҳақиқат рўёбга чиқади. Ватанимиз мустақиллиги бизга инъом этган энг катта бойлик ҳам аслида шу, деб биламан. Шу маънода олиб қаралганда, партиямиз атрофига бирлашган фуқаролар сиёсий кучнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни чуқурроқ ҳис этаяптилар. O`zLiDeP ўз олдига қўйган мақсадларга ўз электорати манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилаяпти. Партиянинг негизи — БПТлар зиммасига эса мазкур вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қатор муҳим ишлар юклатилган. Биз ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатишга ҳаракат қилаяпмиз, мурожаатларда баён қилинган турли-туман масалаларга электорат нигоҳи билан назар ташлаяпмиз.

Чиндан ҳам шундай. БПТнинг фаоллиги, зиммасидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиши маслакдошларимизда ҳурмат туйғусини уйғотмоқда. O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан эълон қилинган «Энг намунали бошланғич партия ташкилоти» кўрик-танлови туман (шаҳар) босқичида мазкур қуйи бўғин 1-ўринга муносиб кўрилганлиги ҳам бежиз эмас.

Яқинда БПТлар раҳбарлари ташаббуси билан туман маҳаллаларини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унда жойларда оилавий бизнес ва касаначиликни янада ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар бажарилиши белгиланган. Бу жараёнда М.Лутфуллаева етакчилик қилаётган қуйи бўғин фаоллари Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳиятини фуқароларга тушунтириш ишларини олиб боришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйди.

## Ўзи устоз бўлар устоз кўрганлар

Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйида O`zLiDeP фаоллари ташаббуси билан «Ўқитувчи ва мураббийлар куни»га бағишланган «Устоз онадек меҳрибон, отадек улуғдир» номли байрам тадбири бўлиб ўтди.

Ҳудудий партия ташкилотлари, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда бир неча БПТ шафелигида ўтказилган тадбирда шарафли касб соҳиблари — мураббийларнинг фидокорона меҳнати эътироф этилди.

O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Яшин Душанов, шаҳар кенгаши депутати Толиб Явқочов ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, соҳа ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни интеллектуал салоҳиятли, баркамол инсонлар этиб тарбиялаш бўйича яратилган шароит ва имкониятлар хусусида сўз юритдилар. Қалб қўри, кўз нурини аямай ишлаётган инсонларни байрам билан муборакбод этдилар.

Ташкилотчилар томонидан тўкин дастурхон ёзилди. Санъаткорлар намойиш этган концерт болажонларга олам-олам завқ улашди. Тадбир сўнгида бир гуруҳ мураббийларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

«Мурувват» МФЙ ҳудудидаги БПТ етакчиси Меҳринисо Раҳмонованинг таъкидлашича, байрам тадбири сермазмун ва эсда қоларли тарзда ўтган. Эътиборлиси, ташкилотчилар ўз умрини ёш авлод тарбиясига бахшида этган ва айни кунда нафақада бўлган устозларни ҳам эсдан чиқаришмаган. Шу куни депутатларимиз, БПТ фаоллари томонидан маҳаллада яшовчи устозлар ҳолидан хабар олиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

— Бир умр ёшларга таълим-тарбия бердим, — дейди етмиш ёшдан ошган Неъмат Камолов. — Айни кунда нафақадаман. Беш нафар фарзанд ва невараларим доимо ҳолидан хабар олиб туришади. Аммо кексайганингда сени маҳалла-куй, таниш-билишлар эшигингдан сўраб келса, кўнглинг тоғ қадар кўтариларкан. Гап совғада эмас. Нуроний учун бир оғиз ширин сўз, зиғирдай эътиборнинг ўзи кифоя. Айём муносабати билан маҳалламиздан шаҳар кенгаши депутатлигига сайланган Толибжон Явқочовнинг бир неча сафдошлари билан уйимизга кириб келганидан жуда хурсанд бўлдим. Ўзимни бардам сездим. Ҳали жамиятга, одамларга керак эканлигимни дилдан ҳис қилдим.

«Меҳнатидан қадр топганлар» деб номланувчи шу сингари тадбирлар шаҳардаги бошқа таълим муассасаларида ҳам бўлиб ўтди.

**Мансур АСЛОНОВ.**

## Баҳриев нега тақдирланди?

Бошланғич ташкилотлар билан ишлаш механизмини такомиллаштириш учун қандай ишларни бажариш лозим? Қуйи бўғинлар ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлиги кутилган натижаларни беряптими? Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда БПТлар қандай ўрин тутиши керак?

Самарқанд шаҳар «Сувоқова» корхонасидаги O`zLiDeP таянч тузилмасида бўлиб ўтган мулоқотда партия шаҳар ташкилоти мутасаддилари, маҳаллий кенгаш депутатлари, қуйи бўғинлар раислари ана шундай долзарб масалаларни муҳокама этдилар.

Тадбирнинг айнан шу ерда ташкил қилиниши бежиз эмас. 60 нафар сафдошимизни бирлаштирган мазкур бошланғич ташкилот яқинда БПТлар ўртасида ўтказилган кўрик-танлов қуйи босқичида ғолиб бўлди.

— O`zLiDeP ҳар қандай сиёсий кучнинг негизи бўлган бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва изчил такомиллаштириш йўлидан боряпти. Биз ҳам ана шу стратегияни астойдил қўллаб-қувватлаб, партиянинг дастурий вазифаларига ҳамоҳанг қадам ташлашга интиляпмиз, — дейди қуйи бўғин етакчиси А.Баҳриев. —Таъкидлаш жоизки, ўтказаётган тадбирларимизга халқ орасида обрў-эътибор қозонган юртдошларимиз, маслакдошларимиз орасидаги таниқли тадбиркорлар, соҳа мутахассисларини жалб этаётганимиз яхши самара бераяпти. Шундай бўлса-да, биз таъсирчанликни янада ошириш, илгари сурилаётган фикрлар, ғоялар ҳар бир фуқаро учун тушунарли бўлиши йўлларини излаяпмиз. Шу билан бирга ННТлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни янги поғонага кўтаришимиз талаб этилмоқда.

Мунозаралар чоғида иштирокчилар БПТлар нечоғли фаоллигини акс эттирувчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, қуйи бўғинлар мурожаатларига партия юқори органлари томонидан жавоб бериш тизимини қайта кўриб чиқиш ҳамда партиявий фаолиятга оид бошқа талай таклифлар билдирдилар.

Тадбирда А.Баҳриевга партиямиз дастурий мақсадларини тарғиб қилишдаги фаоллиги, БПТнинг юқори натижаларга эришишида жонбозлик кўрсатганининг эътирофи сифатида O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ташаккурномаси топширилди.

**М.РАВШАНОВА.**



Биз — XXI асрда яшаяпмиз!
**Биз — XXI асрда ишлаяпмиз!**
**Сиз — «XXI ASR»га 2016 йил учун обуна бўлдингизми?**

Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80

ҚУТЛОВ

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АРХИВ ИШИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ**

***келажак авлод қалбига эзгулик уруғини қадаган, илмга ташналик, ота-она, Ватанга меҳр ҳиссини уйғотадиган ўқитувчи ва мураббийларни касб байрами билан самимий қутлайди. Сизларга сиҳат-саломатлик, шарафли ишингизда улкан зафарлар тилаймиз. Шогирдларингиз ва фарзандларингиз камолини кўриш барчангизга насиб этсин!***



*Хизматлар лицензияланган.*

# ЖАРАЁН

**«Бетакроримсан, ягонамсан, она Ватаним — Ўзбекистоним!». Юртдошларимиз бугун ана шу халқчил сўзлар мужассамлашган қутлуғ байрамимиз шиорини қалб тўрида қайта-қайта такрорламоқда. O`zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ташаббуси билан «Фаровон ҳаёт тарафдоримиз!» мавзуида ташкил этилган фестиваль замирига ҳам истиқлолимизнинг ушбу эзгу ғояси сингиб кетди, десак муболаға бўлмайди**



## «ФАРОВОН ҲАЁТ ТАРАФДОРИМИЗ!»

**Муҳаббат РАВШАНОВА,**
«XXI asr»

Мазкур кенг қамровли тадбир Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, вилоят Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси, Ҳунармандлар уюшмаси ҳамда Марказий банк вилоят бош бошқармаси билан ҳамкорликда уюштирилди.

— Фестивалдан бир қанча мақсадлар кўзланган. Партия дастурий вазифаларини тарғиб қилиш, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари, туб ислоҳотлар моҳияти, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорларини атрофлича тушунтириш, ахборот хуружларининг ортида турган кучларнинг ғаразли мақсадларини фош қилиш, иқтидорли ва ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш масалалари шулар жумласидан, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Илҳом Ботиров. — Фестиваль доирасида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, соғлом турмуш тарзи йўналишларида ўнга яқин учрашув ва жонли мулоқот ўтказилди.

Чунончи, фестиваль иштирокчилари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари билан яқиндан танишдилар. Кредитлар, микрокредитлар, лизинг ва микролизинг берилишига оид шартлар ҳамда имтиёзлар тўғрисида батафсил маълумотлар олдилар.

Касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда вақтинча ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси»да шаҳарда фаолият кўрсатаётган талай корхона ва ташкилотлар 1864 та вакант ўрни билан иштирок этди. 50 нафар йигит-қиз шу ернинг ўзида ишга жойлашиш юзасидан келишувга эришди. 100 нафар ёшга эса корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиш учун тавсиялар берилди.

— Мен ўтган йили Самарқанд тиббиёт коллежини стоматология мутахассислиги бўйича тугатганман, — дейди «Боғбонлар 44» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Сатторов. — Ярмаркада иштирок этиб, вилоят стоматология поликлиникасига ишга жойлашдим. O`zLiDeP-нинг ҳақиқатан ҳам амалий ишлар партияси эканига ишонч ҳосил қилдим.

Тадбир доирасида халқ депутатлари вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Партиямиз вакиллари ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини тингладилар. Хусусан, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Рустам Юлдашев депутатларга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш борасида белгиланган вазифаларнинг ижроси хусусида ахборот берди. Шунингдек, депутатлар Каттақўрғон туманида саноат соҳасида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, диверсификациялашни давом эттириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар улушини ошириш бўйича бажарилган ишларни таҳлил қилдилар. Туман ҳокимлиги иқтисод бўлими бошлиғи Қиличбек Худойбердиевнинг таъкидлашича, ҳудудда тадбиркорликка катта эътибор берилаётганига қарамай, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Хусусан, 15 та бўш турган бино ва иншоот аниқланиб, ишбилармонларга ноль қийматда берилган бўлса-да, туманда экспортчи корхоналар деярли йўқ. Ҳолбуки, имкониятлар етарли. Масалан, жорий йилда фаолият бошлаган «Мойбулоқ мевалари» агрофирмаси хорижга 200 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилиш учун шартнома имзолаган.

Депутатлар нафақат Каттақўрғон, вилоятдаги бошқа туманларда ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортини амалга оширишда тадбиркорларга кўмак берилиши борасида ўзаро фикр алмашиб, тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Фестиваль давомида Саид МФЙ-да «Ватан тараққиёти учун барчамиз бирдек масъулмиз!» деб номланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда депутатлар ва тадбиркорлар маҳалла аҳли, ёшлар билан мулоқотга киришдилар. Сўз олганлар мустақиллик йилларида юз берган ўзгаришлар, фаровон ҳаётимиз, тинчлик-осойишталик, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар тўғрисида фикр билдиришди.

— Мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли турмушимиз тобора фаровон бўлиб бормоқда, — дейди Лолазор-2 МФЙ раиси маслаҳатчиси, халқ депутатлари Самарқанд шаҳар кенгаши депутати Ирода Юсупова. — Кейинги йилларда замонавий турар-жойлар барпо этилаётгани маҳаллаларимиз қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди.

Шунингдек, жорий йил бошида партиямиз томонидан эълон қилинган «Энг яхши депутат» танлови тўғрисида ҳам мулоҳазалар ўртага ташланди. Танлов низомига мувофиқ «Депутатлик назорати», «Одамларга яқин бўлган депутат», «Партиявий лойиҳа», «Депутат — устоз», «Фаолиятда — самарадорлик», «Ташаббускор депутат» номинациялари эълон қилингани депутатлар фаоллигини янада кучайтириш билан бирга улар масъулиятини оширади, рағбатлантиради.

Ёшларнинг интеллектуал ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш мақсадида «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» шиори остида спорт мусобақалари ҳам ўтказилди. Навқирон авлод вакиллари, жумладан, шахмат-шашкада ҳам куч синашдилар. Спортнинг бу турига ёшларнинг қизиқиши йилдан-йилга ортиб бораётганини турнирда иштирок этаётган йигит-қизлар кўплигидан ҳам кўриш мумкин.

— Бу мусобақалар ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, улар ўртасида ўзаро дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Фарид Ҳасанов. — Тадбир давомида иқтидорли болалар ниҳоятда кўплигига яна бир бор амин бўлдик. Ғолибларга рағбатлантирувчи совғалар топширилди.

Фестиваль якунида гала-концерт ташкил этилди.

## Аёлларни бизнесга чорлаётган партиявий лойиҳалар

**O`zLiDePнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасида Бухоро вилояти бўйича 2013 йилда 1642 нафар аёл иштирок этиб, уларнинг энг фаолларига тижорат банкларининг 28 млрд. 234 млн. сўмлик имтиёзли кредитлари ажратилган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 1929 нафар ва 41 млрд. 535 млн. сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида эса 798 нафар аёл умумий миқдори 27 млрд. 237 млн. сўмлик кредитга эга бўлди**

**Асҳор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Ҳозирги пайтда биргина Бухоро шаҳрида 1211 нафар якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг салкам 50 нафари оилавий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатмоқда. Турли пишириқлар тайёрлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи Гулчеҳра Халилова, Феруза Қодирова, Гулнора Адилова сингари аёллар шулар жумласидандир. Хизмат кўрсатиш, ҳунармандчилик ва бошқа йўналишларда оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган хотин-қизлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуни билан яратилган имкониятлар O`zLiDeP вилоят кенгаши ва ҳамкор ташкилотлар томонидан кенг тарғиб қилинаётганлиги боис ўз бизнесини бошлаш истагида бўлган аёллар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Улар орасида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳам оз эмас. Жорий йилнинг дастлабки 7 ойи давомида Бухоро шаҳридаги касб-ҳунар коллежлари талабаларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш орқали 758 нафар битирувчига жами 10,1 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилди. Масалан, Бухоро тиббиёт коллежи битирувчиси Нигина Раҳматова тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун «Микрокредитбанк»нинг шаҳар бўлимидан берилган 100 млн. сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига тикув машиналари сотиб олиб, янги дизайндаги маҳсулотларни ишлаб чиқара бошлади.

Ромитан туманида оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган аёллардан бири Зебинисо Остоновадир. Бугунги кунда туман марказида унинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган маиший хизмат кўрсатиш уйи қад ростлаб турибди. Гўзаллик салони, пойафзал таъмирлаш устахонаси, тикиш-бичиш цехи хизматидан аҳоли мамнун.

Вобкентлик Жамиловлар оиласи ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга қатъий аҳд қилганлардан. Тумандаги қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Зебинисо Шарипова ва унинг онаси Юлдуз Ҳотамова ҳунармандчиликнинг патдўзлик йўналишида фаолият олиб бораётган бўлишса, оила бошлиғи Шахоб Жамилов турли ёшдаги кишилар учун кийим-кечак дўконини ташкил этди. Ака-ука Рустам ва Анвар Жамиловлар ҳам аҳолига савдо хизмати кўрсатиш билан банд.

— Партиямизнинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси бухоролик аёлларни ҳам соҳага кенг жалб этишда муҳим аҳамият касб этаяпти, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Робия Салихова. — Лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида иштирок этган аёллардан 15 нафарининг бизнес-режаси истиқболли деб топилиб, улар вилоят босқичида иштирок этиш имконига эга бўлишди. Вилоят босқичи якунида мукаммал ишланмалар эгаларига тижорат банкларидан жами 150 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Йил охиригача бу кўрсаткични 300 млн. сўмга етказиш кўзда тутилган.

Партиявий лойиҳа доирасида ўтказилган ўқув-семинарда сўзга чиққан O`zLiDeP вилоят кенгаши раиси Фармон Аминов, Марказий банк вилоят Бош бошқармаси кредит бўлими мудири Беҳзод Муродов, вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси Умиджон Ҳакимов, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси бўлим мудири Насриддин Воҳидов, Давлат солиқ қўмитаси бошқармаси бўлим бошлиғи Эрдон Гадоев кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, соҳа ходимлари учун яратилган имтиёз ва преференциялар, улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Семинарда юридик шахс ташкил этмасдан оилавий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди. Худди шундай шаклдаги тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш, кредит ва гаров ҳужжатларини расмийлаштириш масалалари ҳам ўқув-семинар иштирокчилари диққат-эътиборида бўлди.

Ўқув-семинарда бизнес-режа тузиш бўйича амалий машғулот ҳам ўтказилиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга ташкилотчилар томонидан атрофлича жавоблар қайтарилди.

## Музейлар: КЕЧА ВА БУГУН

**Пойтахтдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган матбуот анжумани ана шундай номланди.**
**Музейлар ўзлигимизни намоён этувчи маънавий хазина, аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, бой маданий мерос ва тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаб, авлодларга етказувчи маърифат масканидир. Тадбирда таъкидланишича, республикамиздаги мавжуд 444 та катта-кичик музейда 2 млн. 387 мингдан зиёд экспонат сақланмоқда.**
**Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимиз ўтмиши, аждодларимиз ҳаётидан ҳикоя қилувчи масканларга эътибор янада кучайди. Халқимиз тарихини акс эттирувчи ноёб ашёларни тўплаш, мавжуд музейлар тизимини янада такомиллаштириш, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш кенг қамровли тус олди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди.**
**Бебаҳо маданий меросимиз, қадриятларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида «Мозийдан садо» журналида ўзбек, рус, инглиз тилларида мақолалар чоп этилмоқда.**
**Яқинда ўтказилган «Музейлар ҳафталиги» доирасида эса бир қатор хайрия тадбирлари, очиқ эшиклар куни, танловлар, викториналар, музей захирасига саёҳатлар, ёзувчи ва шоирлар, реставраторлар иши билан танишув, ҳайкалтарош ва кулоллар билан жонли мулоқотлар ташкил этилди.**

Ўз мухбиримиз.

## Энг яхши совға

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шиори остида «Болалар китоби» иккинчи республика фестивали бўлиб ўтди**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёзувчилар уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлигида ўтказилган тадбир болалар адабиётини янада ривожлантириш, ёш авлодни миллий мустақиллик ғоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни маънан баркамол этиб тарбиялашда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада кенгайтириш, болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадиий жиҳатдан етук асарлар сони ва салмоғини янада ошириш, соҳага ихтисослашган нашриётлар фаолиятини қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номли маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтган фестивалда болалар ёзувчилари, матбаачилар, ўқитувчилар ва ота-оналар иштирок этди. Тадбирда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О. Юнусов таъкидлаганидек, айни пайтда мавжуд нашриётлар томонидан йилига уч минг номдан зиёд, умумий адади 45 млн. нусхадан ортиқ китоб нашр этилмоқда. Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Янги аср авлоди» нашриёти билан ҳамкорликда «Камолот кутубхонаси» рукнида 2013-2015 йилларда 70 га яқин ўзбек ва жаҳон классик адабиёти вакилининг асарлари чоп этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг «2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилганноширлик маҳсулотларини нашр этиш дастури тўғрисида»ги қарори доирасида ўзбек ва жаҳон адабиёти, мутафаккирлар ҳаёти ва фаолияти, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликларига бағишланган китоблар нашрдан чиқарилгани эътирофга лойиқ.

— Бугунги фестивалимиз жуда қизиқарли ўтмоқда, — дейди «Шарқ зиёкори» нашриёти вакили Раъно Мирмуҳаммедова биз билан суҳбатда. — Биргина бизнинг нашриётимиз тадбирга 7000 га яқин китоб олиб келди. Улар ичида турли ёшдаги инсонлар учун сараланган асарлар, шунингдек, болажонларимизнинг билимларини оширувчи, уларнинг қалбини эзгуликка ошно этувчи асарлар мавжуд. Ушбу фестивалнинг аҳамияти жуда катта. Негаки, юртимиз келажаги, эртаси ёш авлоднинг нечоғли комил инсон бўлиб вояга етишига бевосита боғлиқдир.

Тадбир давомида «Энг яхши китобхон», «Китобхон оила», «Менинг биринчи китобим», «Китоб — энг яхши совға» каби мавзуларда интеллектуал ўйин ва викториналар, «Китоб ўқишни ёқтирасизми?» мавзуида ижтимоий сўровнома ўтказилди.

Боғнинг бош саҳнасида ташкил этилган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

## Журналистнинг касб одоби ва масъулияти

**«Касбий маҳоратнинг долзарб масалалари: журналист этикаси» мавзуида ташкил этилган форумда соҳага оид қонунлар, Президент фармон ва қарорлари асосида юртимизда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини профессионал даражада ёритиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишда ОАВ иштирокини янада фаоллаштириш масалалари муҳокама этилди.**
**— Мамлакатимизда ОАВларнинг эркин фаолият юритиши учун барча асослар мавжуд, — деди анжуманда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Абдулазиз Абдуллаев. — Мустақиллик йилларида улар сонининг 3,6 баробарга ўсгани бунинг яққол далилидир. Бугунги кунда юртимизда кўплаб босма нашрлар, 66 та телеканал, 34 та радиоканал фаолият юритаяпти. 54 фоиз аҳоли рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланаётир.**
**Форумда соҳа экспертлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамкорлигида Ўзбекистон Журналистлар профессионал этикаси кодекси ишлаб чиқилгани, унинг лойиҳасида журналистнинг жамиятда тутган ўрни, касбий мажбуриятлари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий масалаларни ёритишда холислик тамойилига риоя қилиши, Ватанимизнинг миллий манфаатлари, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани таъкидлаб ўтилди.**

Ўз мухбиримиз.

## Замонавий фермерларни тайёрлаш

**O`zLiDePнинг энг муҳим лойиҳаларидан бири экани амалиётда намоён бўлмоқда**

**Эльмира РАҲМОНОВА,**
«XXI asr»

Андижон қишлоқ хўжалиги институтида O`zLiDeP вилоят кенгаши томонидан «Ёш фермер» кўрик-танлови доирасида «Тадбиркорлик ва фермерлик ривожи – барқарор иқтисодиёт гарови» мавзуида ёшлар форуми ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари, молия муассасалари вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, иқтидорли талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда O`zLiDeP Андижон вилоят кенгаши раиси Зуҳриддин Жумабоев форумнинг мақсад-моҳияти, ёш фермерларнинг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш хусусида сўз юритди.

Аграр соҳани янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари талабаларини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб этиш, уларни мунтазам рағбатлантириб бориш, ёш фермерларни кашф қилиш ва сафларини кенгайтиришда жойлардаги партия қуйи ташкилотлари иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани ёшлар форуми давомида ҳам яққол намоён бўлди.

— Мен 2006 йили Андижон қишлоқ хўжалиги институтини тамомлаб, 2007 йили Избоскан туманида «Жонобод чорваси» фермер хўжалигини ташкил этгандим. Дастлаб чорвачилик соҳасидаги фаолиятимни 10 бош маҳаллий (жайдари) қорамолларни боқишдан бошлаган бўлсам, кейинчалик имтиёзли кредитлардан унумли фойдаланиб, 220 миллион сўмлик маблағ эвазига Польша ва Австриядан 200 бошдан ортиқ зотли мол олиб келдим. Хўжалигимиз қошида сутни қайта ишлаш цехини ишга туширдик, — дейди форум иштирокчиси Азизбек Даминов. — Бугунги кунда Россия ва Хитойдан келтирилган технологиялар асосида 6 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқараяпмиз. Асаларичилик, узумчилик йўналишида ҳам иш олиб боряпмиз. «Ташаббус-2013» кўрик-танловида вилоят босқичи ғолиби ҳамда жорий йил Касаба уюшмалари кенгаши томонидан ўтказилган «Ёш мутахассислар» республика форумида «Энг фаол ёш фермер» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдим.

Вилоятда Азизбек каби ёш фермерлар кўпчиликни ташкил этади. O`zLiDePнинг «Ёш фермер» лойиҳаси эса улар сафини янада кенгайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Шундай экани лойиҳа иштирокчиларининг кўрик-танлов доирасидаги шартлар бўйича чиқишларида ҳам яққол кўзга ташланиб турди.

Анжуманда қатнашган талабалар, ёш фермерлар соҳа бўйича ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Тажрибали мутахассислар билан учрашувлар эса уларнинг келгуси фаолиятларида муҳим аҳамият касб этиши аниқ.

— Мен ҳам сизлардек Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг талабаси бўлганман, — деди форумда сўзга чиққан Балиқчи туманидаги «Бурхон» фермер хўжалиги раҳбари Бурхонжон Жабборов. — Талабалик давримда ўрганганларимни фермерлик фаолиятимда кенг қўлламоқдаман. Бугунги фермер иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳам кенг тушунчага эга бўлиши зарур. Бунинг учун эса ёшларимиз, айниқса, талабаларга барча имкониятлар яратилган. Ушбу муҳим ишга O`zLiDeP қўшаётган ҳисса ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётгани эътиборга лойиқдир.

Анжуман якунида ғолиб чиққан уч нафар иштирокчига танловнинг республика босқичига йўлланмалар топширилди.

# ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

БОЖХОНА БЕКАТИ

## Қаловини топмоқчи бўлишди. Аммо...

**Мамлакатимиз божхоначилари томонидан хорижий валюталар ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ўз самарасини бермоқда. «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.**

**...Аёлларнинг бежирим сумкалари фақат пардоз-андоз воситалари учунгина хизмат қилмайди, дегувчилар ҳам йўқ эмас экан. Ҳар ҳолда сирдарёлик Ким хоним (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) айнан шундай фикрда эди. Бироқ Сеулга учиш олдидан божхона назоратидан ўтаётганида ҳаёли пуч эканига иқрор бўлди ва 2500 АҚШ доллари билан «хайрлашди».**

**Красноярсклик Еленага эса елкасидаги рюкзакига жойлаштирилган валюта панд берди. Божхона кўриги вақтида назорат-рентген аппарати усталик билан яширилган 2800 АҚШ долларини бир лаҳзада фош қилди-қўйди.**

**Одатда ён дафтарчага муҳим воқеа-ҳодисалар қайд қилинади. Аммо Россия Федерациясига парвоз қилмоқчи бўлган чустлик Шавкатжон унда нақд хорижий валюталарни сақлар экан. Божхоначилар унинг ён дафтарига беркитилган 34 та 100 долларлик купюрани ҳам «варақлашди».**

**«Тошкент-Деҳли» йўналиши бўйича ўз юртига отланган Сингх эса ҳамёнидаги 3900 АҚШ долларини божхона баённомасида қайд этишни «унутиб», ўзини соддаликка солди.**

**Мавританиялик Ясин «Тошкент-Дубай» рейсига бироз кечикди. Бунга божхона назоратидан яширин равишда олиб ўтишни кўзлаб, чўнтагига бекитган салкам 4 минг АҚШ доллари «сабабчи» бўлди!**

**Москвага парвози олдидан россиялик Наташа ҳам қўл сумкасида яширинча 10 минг АҚШ долларини нега расмийлаштирмаганини божхоначиларга тушунтира олмади.**

**Хуллас, ана шунақа гаплар. Расмий маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда 220 дан ортиқ божхона қоидабузарликлари аниқланиб, 297 минг АҚШ доллари, салкам 26 минг евро, 2,2 млн.дан ортиқ Россия рубли ва бошқа хорижий валюталарнинг ноқонуний равишда олиб ўтилишига чек қўйилди.**

«Тошкент-Аэро» ИБК Ахборот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

## Ўзаро ҳамкорликнинг янги уфқлари

**Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокидаги кооперацион биржа якунлари юзасидан ўтказилган матбуот анжуманида ҳар икки мамлакатнинг экспорт-импорт, автомобилсозлик, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электрон маҳсулотлар ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш, суғурта, косметика каби соҳаларда фаолият юритадиган вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари қатнашди**

**Ўз мухбиримиз**

Тадбирда ҳамкор давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар барқарор ривожланиб бораётгани, бунда олий даражадаги учрашувлар чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимизда Жанубий Корея ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган юзлаб корхоналар савдо, тўқимачилик ва енгил саноат, тоғ-кон металлургияси, кимё ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш ва хизмат кўрсатиш каби соҳаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Тадбир давомида ҳамкорликни янги марраларга олиб чиқиш учун икки томонда ҳам ҳали имкониятлар мавжуд экани қайд этилиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада кўпайтириш, маҳсулот турларини кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга алоҳида урғу берилди.

— Улкан иқтисодий салоҳиятга эга Жанубий Корея билан 200 дан ортиқ ҳамкорлик шартномаси имзоланган бўлиб, юртимизда мазкур мамлакат инвестицияси иштирокида 408 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси 100 фоиз Корея Республикаси капитали асосида ташкил этилган, — деди Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Н.Дадахонова. — Кооперацион биржа якунида Корея бизнес-инкубаторлар ассоциацияси (KOBIA) ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзолангани икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

## АХБОРОТ ХИЗМАТИ ВА АҲОЛИ ХАБАРДОРЛИГИ

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида «Давлат ҳокимяти ва бошқаруви органлари ахборот хизматларининг фаолиятини ташкил этиш» мавзуида семинар ташкил этилди.**

**Вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, журналистлар иштирок этган анжуманда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини таъминлаш, уларнинг ахборотга оид конституциявий ҳуқуқлари таъминланишдаги аҳамияти хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Қонунда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳақида фуқароларни хабардор қилиш, улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатларга оид ахборотдан аҳоли, жамоат бирлашмаларининг кенг фойдаланишини таъминлаш тартиб-тамойиллари аниқ белгилаб берилгани юқори баҳоланди. Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари фаолияти изчил такомиллаштириб борилаётганига эътибор қаратилди. Ахборот хизматларининг ташкилот фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиш, веб-сайтларни мунтазам янгилаб бориш, жамоатчилик билан алоқани таъминлаш каби қатор муҳим вазифаларни тезкор амалга оширишда муайян тажрибага эга эканлиги алоҳида таъкидланди.**

**Масалан, ўтган бир ярим йил мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 184 меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва бошқа маълумотлар жойлаштирилганининг ўзиёқ аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини оширишга алоҳида аҳамият қаратилаётганидан далолатдир.**

**— Ушбу анжуман юртингизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар, рўй бераётган янгиликлар билан танишиш, бу борада тажриба алмашиш учун қулай имконият яратди, — дейди Қиролича Мария номидаги Лондон университети ўқитувчиси Девид Голдберг. — Ўзбекистонда давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарали ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Бу каби саъй-ҳаракатлар мамлакатингизни янада демократлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга муносиб ҳисса қўшади.**



## МЕВАЛИ ВА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ҲАМ СУҒУРТАЛАНЯПТИ

**Миллий матбуот марказида ташкил этилган навбатдаги анжуман «Ўзагросуғурта» АЖ томонидан «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг бажарилиши, қишлоқ хўжалигини суғурталаш истиқболларига бағишланди**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,**
«XXI asr»

Тадбирда аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, таркибий ўзгартиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётгани, бунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни турли таваккалчиликлардан ҳимоя қилишга қаратилган суғурта хизматларининг муайян ҳиссаси борлигига алоҳида урғу берилди.

— Акциядорлик жамиятимиз томонидан юридик ва жисмоний шахсларга юздан зиёд суғурта тури бўйича хизмат кўрсатилмоқда, — деди Қишлоқ хўжалиги ва молиявий таваккалчиликларни суғурталаш департаменти бош менеджери Абдурашид Ваҳобов. — Қишлоқ хўжалик экинларидан кам ҳосил олиш оқибатида кўриладиган зарарларни суғурталаш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва жисмоний шахсларнинг чорва молларини, кўп йиллик мевали ва манзарали дарахтлар, уларнинг кўчатларини табиий офатлар туфайли зарарланиши ёки нобуд бўлишидан суғурталаш шулар жумласидандир.

Ўтган йилнинг биринчи ярмида фермер хўжаликлари билан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш бўйича 14 мингдан зиёд шартнома тузилган. Жорий йилнинг мос даврида эса бу кўрсаткич 17 мингдан ортиб, 144 миллиард сўмлик суғурта мажбуриятлари ҳужжатлаштирилган.

Анжуманда таъкидланишича, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили суғуртасини амалга оширишда миллий ва хорижий тажрибалар қўлланган ҳолда янги хизмат турларини жорий этиш, мавжудларини соддалаштириш, имтиёз ва қулайликларни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Белгилаб олинган истиқболдаги вазифаларга мувофиқ интенсив боғлар ва чорва молларини суғурталаш хизматларини янада ривожлантириш устувор масала сифатида белгиланган.

Тадбирда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар хусусида ҳам журналистларга атрофлича маълумотлар берилди.

## Жумагул момонинг қувончи

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида юз ёшини нишонлаган бир қатор ҳамюртларимиз ҳам Ватанимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлишди. Боёвут туманининг Қаропчи маҳалласида истиқомат қилувчи Жумагул момо Жабборова улардан бири. Онахоннинг хонадони ўша куни жамоатчилик вакиллари, мактаб ва коллеж ўқувчилари, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раҳбарлари, қавму қариндошлар билан гавжум бўлди. Жумагул момо Президентимизнинг 2015 йил 26 августдаги фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани қайта-қайта тилга олинди. Вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов момонинг уйига ташриф буюриб, унга ҳукуматимизнинг юксак мукофотини топширди ва юз ёшли онахонни энг улуғ, энг азиз байрамимиз билан самимий қутлади. Момонинг бағри турфа гулларга тўлди. Икки қиз, бир ўғилни тарбиялаб вояга етказган, 11 невара, 24 чевара, 3 эваранинг бувиси замонамизга қайта-қайта шукрона келтирди.**

**— Мен 60 йилдан зиёд меҳнат қилдим, — дейди у. — Бугунга келиб ана шу меҳнатларим эъзозу ҳурматга лойиқ кўрилди. Бунинг учун Юртбошимизга минг раҳмат. Биз кўп оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Ёш авлод у кунларни кўрмасин. Мустақиллигимиз абадий бўлсин.**

Дилора ЭСОНОВА.

ҚУТЛОВ


**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ**

барча муаллимларни,
устоз мақомига эришган тажрибали
тадбиркор ва фермерларни
**1 октябрь —**
**Ўқитувчи ва**
**мураббийлар куни**
билан самимий муборакбод этади.
Касбингизга хос бўлган
фидойилик ва жонкуярлик
хислатлари баркамол
шогирдларингизда намоён
бўлишига тилакдошмиз.






РЕКЛАМА ЎРНИДА

## Фаолиятимиз бош мезони — сифат ва яна сифат

**Республикамизда ишлаб чиқарилаётган ёки ички бозоримизга четдан кириб келаётган маҳсулотлар сифатини назорат қилиш, истеъмолчилар манфаатларини ҳимоялаш «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг асосини ташкил этади. Айни пайтда жойларда 18 та синов ва сертификатлаштириш маркази фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар томонидан озиқ-овқат, косметика ва парфюмерия, енгил-саноат, қурилиш, электротехника, машинасозлик, кимё саноати ҳамда бошқа йўналишдаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг лаборатория синовлари ўтказилмоқда**

**Д. АТАБЕКОВ,**
«Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

Масалан, Тошкент шаҳар синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида товар ишлаб чиқарувчиларга 5800 дан ортиқ мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириб берилди. Табиийки, бунда аввало истеъмолчилар манфаатига устувор аҳамият қаратилади. Марказда ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган кимё-биология, спорт анжомлари, инвентарлари ва асбоб-ускуналари, автотранспорт, ғилдиракли, занжирли махсус техника воситалари ва уларнинг эҳтиёт қисмлари ҳамда машинасозлик маҳсулотлари юртимизга кириб келаётган ва ишлаб чиқарилаётган товарлар синовдан ўтказилиб, қай даражада мувофиқлиги назоратдан ўтказилмоқда. Мазкур жараёнда айрим турдаги маҳсулотларнинг меъёрий ҳужжат талабларига номувофиқлиги ҳам аниқланмоқда. Хусусан, шу йилнинг бошидан марказнинг аккредитатланган синов лабораториялари томонидан 56 та маҳсулотнинг талаблар даражасида эмаслиги аниқланиб, тегишли давлат органларига хабар берилди.

Марказ имкониятларини янада ошириш мақсадида лабораторияларимизни юқори аниқлик даражасига эга бўлган замонавий ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Жумладан, 2014-2015 йилларда бугунги кун талаблари даражасидаги «Универсал пресс», «Ротацион испаритель», «Рефрактометр RX-9000», «Климатик камера» каби синов ускуналаридан самарали фойдаланаяпмиз. Германия, Италия каби ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган бундай замонавий синов ва ўлчов ускуналари маҳсулот сифатини баҳолаш, рақобатбардошлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, «Зафар-И» ташқи иқтисодий фаолият божхона постида юк ва енгил автотранспорт воситаларини ҳамда қишлоқ хўжалигига оид техника ва технологияларини синаш учун мўлжалланган ихтисослаштирилган синов лабораториясининг ташкил этилиши экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи тадбиркорларимиз учун катта қулайлик яратди. Эътиборли жиҳати — бундан 5-6 йил аввал кўплаб турдаги маҳсулотлар, бутловчи қисмларни тадбиркорларимиз четдан, валюта ҳисобига олиб келган бўлсалар, ҳозирда айнан ана шу турдаги маҳсулотлар маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитининг яратилгани, солиқ ва бож тўловлари, маҳсулотлар экспертизаси, сертификатлаштириш масалаларида бир қатор имтиёз ва имкониятлар яратилгани улар фаолиятини йил сайин кенгайиб боришини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида биздан ҳам лабораторияларимизни янада кенгайтириш, уларни замонавий техника воситалари билан таъминлашни тақозо этаяпти.

Ўрни келганда юртимиз тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳоннинг кўплаб давлатларига экспорт қилинаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Айниқса, ISO: 9001 халқаро сифатни бошқариш тизимлари жорий этилган корхоналарда тайёрланган маҳсулотларга йил сайин талаб ортиб бораётир. Президентимизнинг 2012 йил 26 мартдаги «Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида марказнинг сифат тизимларини жорий қилиш бўлими томонидан бугунгача элликдан ортиқ маҳаллий ва қўшма корхоналарда замонавий тизим жорий этилиб, сертификатлаштирилди. Айни пайтда менеджмент тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти.

Марказимизда ўтган йилдан бошлаб «Ҳужжатларнинг электрон айланмаси» электрон дастури ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилгани ҳам айни муддао бўлди. Бу билан, аввало, марказимизга мурожаат қилувчиларнинг вақти тежалишига эришилди. Шунингдек, тадбиркорлар ариза-мурожаатлари, тўловлари, бажарилган ишларнинг далолатномаси ва расмийлаштирилаётган хат ёки мувофиқлик сертификатларининг электрон шакли нусхалари архивини шакллантириш имконияти ҳам яратилди. Тадбиркорлар мурожаатларни электрон шаклда қабул қилиш мақсадида йўлга қўйилган электрон манзил (сайт), «Ишонч телефони» хизматлари ишлаб турибди. Веб-сайтимиз ва «Ишонч телефон»лари орқали юборилган мурожаатларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Мақсадимиз — аввало, истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш, халқимизнинг сифатли маҳсулотлар билан таъминланишига кўмак бериш. Қолаверса, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остида тайёрланаётган ёки хориждан келтирилаётган маҳсулотларнинг бугунги кун талаблари даражасидаги сифатга лойиқ бўлишини таъминлашдир.

*Хизматлар лицензияланган.*

# СЎНГГИ САҲИФА

## Маънавиятли ёшлар адашмайди

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида китобхонга зарур адабиётлар, керакли маълумотлардан фойдаланиши учун барча шароит яратилган. Давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида турли маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилаётгани эса аҳоли, айниқса, ёшларни ушбу маърифат масканига янада яқинлаштиришга хизмат қилаётир.
«Ватанимсан ўзинг, мустақил Ўзбекистоним!» мавзуида ўтказилган кўргазма ана шундай ибратли тадбирлардан бири бўлди.
Кўргазмада халқимизнинг кўп асрлик маданияти ва миллий қадриятлари, диний қарашлари ва удумларини тарғиб этиш, ёшлар онгини заҳарлаб, маънавий жиҳатдан қарам этишга қаратилган мафкуравий хатарларга қарши самарали кураш олиб бориш мавзуига алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовордир.
Республика маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган учрашувда эса ёшлар диний ақидапарастлик, терроризм, одам савдосига қарши кураш бўйича мутахассислар маърузаларини тинглашди.
— Ахборот-кутубхона марказимиз навқирон авлод онгига мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларимизни сингдиришга қаратилган бундай тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратяпти, — дейди умумий ўқув зали ходимаси Одина Ўтаева. — Бу каби тадбирлар йигит-қизларни ҳушёрликка чорлайди, ёт ғояларга берилишдан асрайди. Маънавиятли ёшлар эса алданмайди.

**Дилора ЭСОНОВА.**



## ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД ОИЛАСИ

**«Қизил шарқ» пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги обод маҳаллалардан бири. Бу ерда обрў-эътиборга лойиқ аҳил оилалар кўпчиликни ташкил этади. Таниқли актёр Алишер Отабоев хонадони шулар жумласидан.**

**Алишер ака 1980 йили Тошкент маданий-оқартув техникумини тугатгач, Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида фаолият юрита бошлади. Устозларининг этагидан маҳкам тутиб, юзга яқин спектаклларда роль ижро этди. «Дилафрўзга тўрт ошиқ», «Ака-ука совчилар», «Куёвлар конкурси», «Машраб», «Нодирабегим», «Суперқайнона» каби саҳна асарлари ва ўнлаб фильмларда ўз иқтидорини намоён этди. Ранг-баранг характердаги образлари билан томошабинлар ҳурматини қозонди. Самарали меҳнатлари эвазига 2014 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони билан тақдирланди. Айни пайтда «Ўзбекфильм» киностудиясида хизмат қилмоқда.**

**Турмуш ўртоғи Раъноxон опа билан 2 қизни эл корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашди. 5 нафар невара эса оиланинг энг катта қувончидир.**

## МАДРАСАДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

**Нодир Девонбеги мадрасасида Самарқанд шаҳри, туманлар марказлари ва бошқа ҳудудларида амалга оширилаётган архитектура-қурилиш, шаҳарсозлик ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ишлари ҳақида матбуот анжумани бўлиб ўтди**

Вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Норқул Содиқовнинг таъкидлашича, 2014 йил ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида 66 та умумтаълим мактаби реконструкция қилиниб, капитал таъмирдан чиқарилган.
— Бундан ташқари, Ургут, Тайлоқ, Нарпай, Иштихон, Пайариқ туманларидаги тиббиёт бирлашмалари, Самарқанд шаҳридаги Онкология диспансери, вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бинолари ҳам реконструкция қилинди, — деди нотиқ ўз сўзида. — Шунингдек, Пайариқ, Ургут ва Тайлоқ туман марказларида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Пайариқ ва Челак шаҳарларидаги истироҳат боғлари қайта қурилди. Мусиқали фавворалар, болалар ўйингоҳлари барпо этилди. Пастдарғом туманида қисқа вақт ичида замонавий меъморчилик талаблари асосида қурилган амфитеатр фойдаланишга топширилди.
Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқариш ва амалга ошириш жараёнларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилгани эътироф этилди. Ҳукумат дастури доирасида «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» ДУК томонидан 2014 йилги манзилли дастури асосида Каттақўрғон ва Иштихон шаҳарларининг бош режалари ишлаб чиқилиб, вилоят шаҳарсозлик кенгашида муҳокама қилинди.
Ушбу кўламли ишларни амалга оширишда Шаҳарсозлик ва қурилиш индустриясини ривожлантириш маркази ҳамда Вилоят шаҳарсозлик кенгаши фаолияти алоҳида ўрин тутмоқда.

**Муҳаббат РАВШАНОВА.**

ЭЪЛОН

## БИЗ СИЗГА ҲАМКОРМИЗ!

**«Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси тадбиркорлик субъектларига стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотларни сертификатлаштириш борасида янада қулайликлар яратиш мақсадида вилоятда, шунингдек, Навоий эркин-иқтисодий индустриал зонасида ишлаб чиқарилаётган, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналарга якиндан ёрдам бериб келмоқда.**

Азиз ишбилармонлар!
Сиз корхонангиз ёки кўп тармоқли фермер хўжалигингиз томонидан ишлаб чиқарилаётган, қайта ишланаётган ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингизда Навоий ССМ ДК мутахассислари ҳамиша яқин кўмакчи бўлади.
Корхонангизда эксперт-аудиторларимиз ёрдамида Халқаро ISO: 9001 – «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этиб, маҳсулотларингизни жаҳон бозорига чиқаришингизда мутахассисларимиз Сизга доимо ўз ёрдамларини кўрсатишга тайёр.
Корхонангиз ёки хонадонингизда мавжуд бўлган ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказмоқчи бўлсангиз ҳам ҳеч иккиланмай Навоий ССМ ДКга мурожаат қилишингиз мумкин.
Сиз «Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг 0 436 224-07-51 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишингиз ёки www.navoiyssm.uz веб-сайтимиздан фойдаланиб, соҳа юзасидан ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Марказимиз мутахассислари Сизнинг мурожаатингизга беэътибор бўлишмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!

**Манзил:** Навоий шаҳри, «Умид» қўрғони, М.Таробий кўчаси, 185.
**Телефонлар:** 0 436 224-07-51, факс: 0 436 224-93-61.
**E-mail:** navoisert@evo.uz

**«Навоий синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

## «Асака» банк

**«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси), «Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия)** кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилаётганлигини маълум қилади.

Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш. |
| **Қарздор** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:***<br>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;<br>ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар.<br>***«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:***<br>Ўзбекистон Республикаси резидентлари – хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредит мақсади** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:***<br>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:<br>асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;<br>стратегик инвестициялар.<br>Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:<br>Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.<br>***«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:***<br>импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**(+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

**«Асака» банк –**
**тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

www.asakabank.com

Хизматлар лицензияланган.

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

**«Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик субъектларига рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган, экспортбоп, дунё стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида уларнинг ҳажмини оширишда тадбиркорлар, вилоятдаги кўп тармоқли фермер хўжаликларига яқиндан ёрдам беради.**

Сиз ўз корхонангиз ёки фермер хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган, қайта ишланаётган ёки импорт маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олмоқчимисиз? Бунинг учун марказимиз мутахассисларига мурожаат қилинг.
Халқаро ISO: 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни корхонангизда жорий этмоқчимисиз? Малакали мутахассисларимиз, эксперт-аудиторларимиз Сизга бу борада ҳам яқин маслаҳатчи ва ёрдамчи бўладилар.
Мавжуд ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам мутахассисларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.
Муҳтарам тадбиркорлар, азиз истеъмолчилар!
Сиз «Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг + 99895 404-27-82 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.fssm.uz веб-сайтимиз орқали ўзингизни қизиқтирган саволларга жавоб олишингиз мумкин. Сизнинг мурожаатингиз эътиборимиздан четда қолмайди. Чунки биз Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзил: Фарғона шаҳри, Б.Марғиноний кўчаси, 119-уй.
Телефонлар: +998 73 244-52-94, (095) 404-81-17, факс: 244-54-50
e-mail: fargonassm@uznet.net

**«Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси.**

*Хизматлар лицензияланган.*

РЕКЛАМА




ЭЪЛОН

**АЗИЗ МУШТАРИЙ!**

**«XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси учун 2016 йилга обуна бошланди. Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлишингизга ишонамиз.**

**НАШР ИНДЕКСИ ЎША-ЎША — 406.**

**Дарвоқе, таҳририят билан тўғридан-тўғри шартнома тузган юридик ва жисмоний шахсларга чегирмалар бор.**

**ТЕЛЕФОН ҚИЛИНГ: 255-68-50, 215-63-80, 281-40-17.**

O`zLiDeP Навоий вилоят кенгаши жамоаси партиянинг Зарафшон шаҳар кенгаши раиси **Бобир МИРЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 4045 Тираж: 9415
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**
**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**
**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар:
Т.АБДУРАҲМОНОВ, А.МУЗАФФАРОВ.